

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№4/2020(151) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУХАРРИР:

Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Робохон МАХМУДОВА

Икрам МУСЛИМОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Нодирбек САЛАЕВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 28.08.2020 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 3700 нусха.
Буюртма № 135.

МУНДАРИЖА

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори

*Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида*

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори

*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари
томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат
тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори
тўғрисида*

15. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

27. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

34. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

50. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

СОДЕРЖАНИЕ

5. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан

*О судебной защите прав и законных интересов физических и
юридических лиц*

11. О внесении изменений и дополнений в некоторые постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан и Пленума Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 3 июль

№ 11

Тошкент шаҳри

Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустақкам-лаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким улардан судсиз маҳрум этишга ёки уларни чеклашга ҳақли эмас. Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ, эркинлик-лари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш муҳим давлат ҳимояси инсти-тути бўлиб, у мустақил суд ҳокимияти томонидан одил судловни амалга ошириш орқали таъминланади.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбе-кистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тушунтирилсинки, суд орқали ҳимоя қилиш де-ганда, судларнинг жисмо-ний ва юридик шахслар-нинг бузилган ёки низола-шилаётган ҳуқуқлари, эр-кинликлари ва қонун би-лан қўриқланадиган ман-фаатларини тиклашга қаратилган, процессуал қонунларда белгиланган тартибда амалга оширила-диган фаолияти тушунила-ди.

Суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини биринчи инстан-ция судида иш қўзғатиш учун қонунда назарда ту-тилган шартларга риоя эт-ган ҳолда амалга ошириш мумкин. Ушбу шартларга риоя этмаслик суд томони-дан мурожаатларни қабул қилиш ва кўришни рад этиш учун асос бўлади.

2. Ўзбекистон Республи-

касининг Фуқаролик про-цессуал, Иқтисодий про-цессуал, Жиноят-процес-суал кодекслари, Маъму-рий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига (бундан буюн матнда про-цессуал қонунлар деб юритилади) мувофиқ, суд-га мурожаат қилиш:

фуқаролик, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича — даъво аризаси, ариза (шикоят) шаклида;

буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар, алоҳида тоифада-ги ишлар ва процессуал қонунларда назарда тutil-ган бошқа ҳолларда — ари-за шаклида;

апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суд-

ларига мурожаат этилган-да — шикоят шаклида амалга оширилади.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал қонунларга кўра, судлар ваколлатига кирмайдиган масалалар бўйича судга мурожаатлари "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республика-си Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Мазкур Қонун 25-моддаси-нинг иккинчи қисмига му-вофиқ, бошқа давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахсларига тааллуқли му-рожаатлар судга келиб тушганда, улар беш кунлик муддатдан кечиктирмай те-гишли органларга юбори-лади ва бу ҳақда мурожа-ат этувчига ёзма ёки элек-

трон шаклда хабар берилади.

Шу билан бирга судларнинг эътибори мурожаатлар асоссиз равишда бошқа давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга йўл қўйилмаслигига қаратилсин.

4. Судга мурожаатлар шакл ва мазмун жиҳатдан процессуал қонунлар билан уларга қўйилган талабларга мос бўлиши керак. Мурожаатлар судга электрон ҳужжат шаклида ҳам юборилиши мумкин.

Мурожаатда, жумладан, жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи ҳақидаги маълумотлар, берилган мурожаат бўйича ҳуқуқий муносабатнинг моҳияти, мурожаат ва қўйилаётган талаб ёки илтимосноманинг моҳияти, мурожаат санаси кўрсатилиши лозим. Мурожаатда мурожаат этувчининг имзоси (рақамли имзоси) бўлиши ҳам мажбурий талаб ҳисобланади.

5. Шунинг назарда тутиш лозимки, процесс иштирокчилари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш уларга қонунда берилган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи билан ҳам таъминланади.

Фуқаролик процессуал, иқтисодий процессуал қонунлари ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ҳақида ишда иштирок

этувчи шахслар — тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

Иқтисодий процессуал қонуни ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга кассация ва назорат шикояти билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган (тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар бундан мустасно).

Жиноят-процессуал қонунида суд ҳукми ва ажрим устидан шикоят қилиш ҳуқуқи эга бўлган шахслар доираси аниқ кўрсатилган. Жумладан, суднинг ҳукми, ажрими устидан маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили, ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисми устидан — фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан — судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили шикоят беришга ҳақлидир. Ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд

ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунга асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича суд қарори устидан, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган шикоят бериш ҳуқуқига эга.

6. Судлар шунинг назарда тутиши лозимки, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этувчи тарафлар вакиллари ва адвокатлари суд қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқига, фақат бундай ваколатлар ваколат берувчи томонидан белгиланган тартибда берилган ишончномада махсус кўрсатилган ҳоллардагина эгадирлар.

7. Қонунга кўра, назорат инстанцияси судига мурожаат қилишда шикоятга иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари нусхалари, қонунда белгиланган ҳолларда эса, давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим. Тушунтирилсинки, ушбу шартларнинг bajarилмаслиги ва мурожаат қилувчи шахс процессуал ҳолатини аниқлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги мурожаатни кўрмасдан қайтариш учун асос бўлади.

8. Судларнинг эътибори

мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларига ва мурожаат бўйича қабул қилинадиган қарорлар мурожаат матни баён этилган тилда баён этилиши шартлиги ҳақидаги қонун талабларига сўзсиз риоя этилиши кераклигига қаратилсин.

9. Тушунтирилсинки, ишни биринчи инстанция судида кўришда раислик қилган судья мурожаатларни ўз вақтида рўйхатга олиш, ишларни расмийлаштириш ва апелляция, кассация инстанциясига юбориш муддатларига риоя этилиши ва процесс иштирокчиларини ишни апелляция, кассация инстанцияси судида кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш учун шахсан масъулдир. Бунда эътибор шунга қаратилсинки, ишни иқтисодий ва маъмурий судларнинг апелляция, кассация инстанциясида кўришда процесс иштирокчиларини ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш масъулияти ушбу инстанцияларда маърузачи бўлган судьяга юкланади.

10. Агар мурожаатда муайян ишни кўришда суд (судья) томонидан процессуал қонун нормалари бузилганлиги ҳақидаги важлар келтирилган бўлса ва шикоятни кўриш жараёнида ушбу важлар ўз тасдиғини топса, апелляция, кассация, назорат инстанцияси судлари ишни кўриш натижаси бўйича хусусий ажрим чиқариши ва унинг нухаси тегишли судьялар малака ҳайъатига юборилиши лозим.

11. Суд ҳужжатлари ижроси лозим даражада ижро этилмаётганлиги масалалари бўйича юқори турувчи судларга келиб тушган мурожаатлар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг тегишли ҳудудий бошқармасига юборилади, бу ҳақда назоратни амалга ошириш учун қарор қабул қилган ёки қарор ижро этилаётган жойдаги судга хабар берилади.

12. Судларнинг эътибори жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари қабул қилиш жадвалига мувофиқ белгиланган кун ва соатларда қабул қилишни тўғри ташкил этиш, сайёр қабуллар ўтказиш вақти ва жойи тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш зарурлигига, шунингдек,

қабул қилиш кунининг асоссиз равишда кўчирилишига йўл қўйилмаслигига қаратилсин.

13. Суд орқали ҳимоя қилиш жисмоний ва юридик шахсларнинг нафақат бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тиклаш воситаси, балки судлар фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш воситаси ҳам эканлиги сабабли, судларга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқароларнинг суд ишларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти ҳақида" 1998 йил 28 декабрдаги 31-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби в.б.,
Олий суд судьяси

Р. ИСМАЙЛОВ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 июля 2020 год

№ 11

город Ташкент

О судебной защите прав и законных интересов физических и юридических лиц

Права и свободы граждан, закрепленные в Конституции и законах Республики Узбекистан, являются незыблемыми и никто не вправе без суда лишить или ограничить их. Судебная защита прав, свобод и законных интересов физических и юридических лиц является важнейшим институтом государственной защиты, который обеспечивается путем осуществления правосудия независимой судебной властью.

В целях обеспечения эффективности судебной защиты прав, свобод и законных интересов физических и юридических лиц, руководствуясь статьей 17 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПО С Т А Н О В Л Я Е Т :

1. Разъяснить, что под судебной защитой следует понимать деятельность судов, осуществляемую в установленном процессуальными законами порядке и направленную на восстановление нарушенных или оспариваемых прав, свобод и охраняемых законом интересов физических и юридических лиц.

Реализация права на судебную защиту возможна при соблюдении предусмотренных законом условий возбуждения дела в суде первой инстанции. Несоблюдение этих условий является основанием для отказа в принятии и рассмотрении обращений судом.

2. В соответствии с Гражданским процессуальным, Экономическим процессуальным, Уголовно-процессуальным кодексами Республики Узбекистан, кодексами Республики Узбекистан об административном судопроизводстве и об административной ответственности (далее - процессуальные законы) обращение в суд осуществляется в форме:

искового заявления, заявления (жалобы) - по спорам, возникающим из гражданских, административных правоотношений;

заявления - по приказному производству, делам особого производства, отдельным категориям дел и в иных случаях, предусмотренных процессуальными законами;

жалобы - при обращении в суды апелляционной, кассационной и надзорной инстанции.

3. Обращения физических и юридических лиц в суд по вопросам, не отнесенным к ведению судов в соответствии с процессуальными законами, рассматриваются в порядке, установленном Законом Республики Узбекистан "Об обращениях физических и юридических лиц". В соответствии с частью второй статьи 25 указанного Закона при поступлении в суд обращений, подведомственных иным государственным органам, организациям или их должностным лицам, они подлежат направлению в соответствующие органы в срок не позднее пяти дней с сообщением об этом в письменной либо в электронной форме обращающемуся.

Вместе с тем, следует обратить внимание судов на недопустимость безосновательной передачи обращений на

рассмотрение другим государственным органам.

4. Обращения в суд по форме и содержанию должны соответствовать требованиям, предъявляемым к ним процессуальными законами. Обращения могут быть направлены в суд также в виде электронного документа.

В обращении, в частности должны быть указаны фамилия, имя, отчество, сведения о местожительстве физического лица или наименование и сведения о местонахождении юридического лица, сущность правоотношения, по поводу которого подано обращение, сущность обращения и предъявляемого требования или просьбы, дата обращения. Обязательным требованием является также наличие на обращении подписи (цифровой подписи) обращающегося.

5. Следует иметь в виду, что судебная защита прав участников процесса обеспечивается и предоставленным им законом правом на обжалование судебных актов.

В соответствии с гражданским процессуальным, экономическим процессуальным законами и законом об административном судопроизводстве правом на обращение о проверке законности, обоснованности и справедливости судебного акта обладают участвующие в деле лица - стороны, третьи лица, их представители, а также иные лица, не привлеченные к участию в деле, о правах и обязанностях которых суд разрешил вопрос.

Согласно экономическому процессуальному закону и закону об административном судопроизводстве Уполномоченному при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства, предоставлено право обращения в суд с кассационной и надзорной жалобой (за исключением экономических споров, возникающих между субъектами предпринимательства, а также споров, не связанных с предпринимательской деятельностью).

В уголовно-процессуальном законе конкретно указан круг лиц, обладающих правом обжалования приговора и опре-

деления суда. В частности, обжаловать приговор, определение вправе осужденный, его защитник, законный представитель, а также потерпевший, его представитель, в части приговора о гражданском иске - гражданский истец, гражданский ответчик и их представители, в части приговора о причинах и основаниях оправдания - оправданное в суде лицо, его защитник и законный представитель. Правом обжалования приговора, определения в части, затрагивающей их права и законные интересы, наделены также лица, не являющиеся сторонами в деле.

Согласно закону об административной ответственности правом обжалования постановления суда по делу об административном правонарушении обладают лицо, в отношении которого вынесено постановление суда, потерпевший, их законные представители, адвокат, а также орган, составивший протокол об административном правонарушении.

6. Судам следует иметь в виду, что представители и адвокаты сторон, участвующие в гражданском, экономическом и административном судопроизводстве имеют право обжалования судебного акта лишь в случае, если эти полномочия специально оговорены в доверенности, выданной в установленном порядке представляемым.

7. По закону при обращении в суд надзорной инстанции к жалобе должны быть приложены копии принятых по делу судебных актов, а в установленных законом случаях, документы, подтверждающие уплату государственной пошлины и почтовых расходов. Разъяснить, что невыполнение этих условий и невозможность определения процессуального положения обращающегося лица, является основанием для возвращения обращения без рассмотрения.

8. Обратит внимание судов на необходимость неукоснительного соблюдения сроков рассмотрения обращений и требований закона об обязательности изложения решений, принимаемых по результатам рассмотрения обращений, на языке, на котором изложен текст обращения.

9. Разъяснить, что судья, председательствовавший при рассмотрении дела в суде первой инстанции, лично ответственный за своевременную регистрацию обращений, соблюдение сроков оформления и направления дела в суд апелляционной, кассационной инстанции и извещение участников процесса о времени и месте рассмотрения дела в суде апелляционной, кассационной инстанции. При этом, обратить внимание, что ответственность за извещение участников процесса о времени и месте рассмотрения дела в апелляционной, кассационной инстанции экономических и административных судов возлагается на судью, являющегося докладчиком в этих инстанциях.

10. Если в обращении приведены доводы о нарушении судом (судьей) норм процессуального закона при рассмотрении конкретного дела и в ходе рассмотрения жалобы эти доводы нашли свое подтверждение, то по результатам рассмотрения дела судам апелляционной, кассационной, надзорной инстанций следует выносить частное определение, копия которого направляется в соответствующую квалификационную коллегию судей.

11. Обращения, поступившие в вышестоящие суды по вопросам ненадлежащего исполнения судебных актов, направляются в соответствующее территориальное управление Бюро принудительного исполнения при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан согласно требованиям Закона Республики Узбекистан "Об обращениях физических и юридических лиц", о чем для осуществления контроля сообщается в суд, принявший решение, либо по месту исполнения решения.

12. Обратить внимание судов на необходимость правильной организации приема физических лиц и представителей юридических лиц в установленные дни и часы согласно графикам приема, своевременного извещения населения о времени и месте проведения выездных приемов, а также недопустимости безосновательного переноса дня приема.

13. Принимая во внимание, что судеб-

ная защита является не только средством восстановления нарушенных или оспариваемых прав либо охраняемых законом интересов физических и юридических лиц, но и средством выявления и устранения недостатков в деятельности судов, рекомендовать судам регулярно анализировать поступающие обращения физических и юридических лиц.

14. В связи с принятием настоящего постановления признать утратившим силу постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 28 декабря 1998 года № 31 "О практике рассмотрения обращений граждан по судебным делам".

**Председатель Верховного суда
Республики Узбекистан К. КАМИЛОВ**

**И.о.секретаря Пленума,
судья Верховного суда Р. ИСМАЙЛОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 3 июль

№ 12

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори қуйидаги мазмундаги **30.1-банд** билан тўлдирилсин:

"30.1. Кредиторнинг кафил — "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси"га (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) нисбатан даъвосини кўришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги 28-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик

фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисида"ги Низом талабларига эътибор қаратилиши лозим.

Бунда судлар инobatга олиши керакки, агар Жамғарма билан кафиллик шартномаси кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида тузилган бўлса, Жамғармага талаб билдирилгунга қадар кредитор қарздордан қарзни ундиришга қаратилган бошқа, шу жумладан, кредит қайтариллиши мажбуриятининг таъминотига қаратилган барча чораларини кўриши зарур ва фақат қарздорнинг (бошқа кафилнинг) мажбуриятни бажариш учун мол-мулки етарли бўлмаганда, шунингдек, қарзни гаровга қаратилган мол-мулдан ундириш мумкин бўлмагандагина, кредитор Жамғармага талаб билдириш ҳуқуқига эга, агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса.

Қарздорнинг (бошқа кафилнинг) мол-мулки мажбуриятни бажариш учун етар-

ли эмаслиги, шунингдек, қарзни гаровга қаратилган мол-мулдан ундириш имконияти мавжуд эмаслиги, давлат ижрочисининг ижро ҳужжатини "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан, ундирувчига қайтариш тўғрисидаги қарори билан тасдиқланади. Ушбу қоидаларга амал қилинмаганлиги Жамғармага нисбатан берилган даъвони қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлади".

2. "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида" 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли қарори:

2-банди қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар деганда, жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек,

бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек, тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк тушунилади”;

3-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ЖК 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолият натижасида орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ўтказиш, алмаштириш, мулкка айлантириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши, худди шунингдек, бундай пул маблағлари ёки мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш тушунилиши лозим. Мулк объекти сифатида бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк, шу жумладан, виртуал активлар (криптовалюта ва ҳ.к.) бўлиши мумкин”.

3. “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли қарори:

16-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Шахснинг валютани қонунга хилоф равишда божхона чегарасида ўтказишда айбдорлиги масаласини ҳал этишда судлар шуни назарда тутиши лозимки, Ўзбекистон

Республикасига эркин олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий ва миллий валюта миқдори қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида” 2004 йил 25 февралдаги 86-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидалари билан белгиланган.

Шахс томонидан Ўзбекистон Республикасига бир вақтнинг ўзида олиб кириладиган ёки олиб чиқиб кетиладиган нақд валютанинг фақат бир қисми декларация қилинган бўлса, шахснинг ҳаракатлари нақд валютанинг декларация қилинмаган қисми миқдоридан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади”;

17-бандининг биринчи хатбошиси “гиёҳвандлик воситалари” деган сўзлардан кейин “уларнинг аналоглари” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. “Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2016 йил 29 июлдаги 11-сонли қарори:

2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Қонунга мувофиқ, вояга етмаган, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун алимент тарафларнинг келишувига кўра ихтиёрий тартибда, шунингдек, суд тартибида ундирилади.

Тушунтирилсинки, алимент ота-онанинг бирининг аризаси ёки даъвоси билан, агар бошқа ота (она) вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини бажармаган ҳолатларда суд тартибида (суд буйруғи ёки суднинг ҳал қилув қарори билан) ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда, шунингдек, алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилмаган ҳолларда, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан алимент ундириш ҳақидаги даъво билан вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлган бола мурожаат қилишга ҳақли. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она) ва бола алоҳида яшаган ҳолларда, вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлган бола ота ёки онасига ёхуд ота-онасининг ҳар икковига нисбатан даъво тақдим қилиши ҳуқуқига эга.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент васийлик ва ҳомийлик органлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган етим болалар ва болалар учун муассасалар, шунингдек, прокурор даъвосига кўра, суднинг ҳал қилув қарорига асосан ундирилади.

Вояга етган меҳнатга лаё-

қатсиз, ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун алимент ота-онанинг бирининг даъвоси билан суднинг ҳал қилув қарорига асосан ундирилади”;

6-банди:

биринчи хатбошидаги "Солиқ кодексининг 329-моддаси 3-бандига мувофиқ" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи" тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси 2-банди, шунингдек, ФПК 174-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги "чиқаришда" деган сўзи "беришда" деган сўзи, "Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб" деган сўзлар "қонун ҳужжатларида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банди чиқариб ташлансин;

14-бандининг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги "қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи" деган сўзлар "қонун ҳужжатларида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдorigа" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5. "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида" 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли қарори **10-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

"Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган

курс бўйича аниқланади".

6. "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида" 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли қарори:

номи "Гиёҳвандлик воситалари" деган сўзлардан кейин "уларнинг аналоглари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

матни "гиёҳвандлик воситалари" деган сўзлардан кейин тегишли келишиқдаги "уларнинг аналоглари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"4. Қонунга кўра, маъмурий ва жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган қуйидаги рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилганда келиб чиқадди:

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (I рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (II рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорларнинг рўйхати (IV рўйхат).

Бунда шуни назарда тутиш

лозимки, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун айбдорлар барча ҳолларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 56-моддаси). Агар мазкур ҳаракатлар ўтказиш мақсадини кўзлаб содир этилса, қилмиш ЖК 273-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилинади”;

31-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Бундай турдаги экспертиза олдига ҳал этиш учун қуйидаги саволларни қўйиш мақсадга мувофиқ:

олинган восита ёки модда гиёҳвандлик, унинг аналогли, психотроп ҳисобланадими, агар ҳисобланса, унинг тури, актив моддасининг миқдори ва соф оғирлиги қанча;

олинган объектда гиёҳвандлик воситаси, унинг аналогли, психотроп моддаси қолдиқлари (микроразралари) ёки излари борми;

муайян ер майдонидан олинган ўсимлик қайси турга мансуб ва у таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик ҳисобланадими;

олинган воситалар ёки моддалар бир хил ҳисобланадими, улар тайёрлаш усули (технологияси), сақлаш шароити, фойдаланилган бошланғич хом ашёси, кўкариб турган жойи бўйича келиб чиқиши жиҳатидан умумий манбага эгами".

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

**Пленум котиби в.б.,
Олий суд судьяси**

Р. ИСМАЙЛОВ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 июля 2020 год

№ 12

город Ташкент

О внесении изменений и дополнений в некоторые постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан и Пленума Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан

В связи с изменениями и дополнениями, внесёнными в законодательство, а также вопроса-ми, возникшими в судебной практике, на основании статьи 17 Закона "О судах" Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПОСТАНОВЛЯЕТ:

Внести изменения и дополнения в следующие постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистана и Пленума Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан:

1. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистана и Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан от 22 декабря 2006 года № 13/150 "**О некоторых вопросах применения норм гражданского законодательства об обеспечении исполнения обязательств, вытекающих из кредитных договоров**" дополнить **пунктом 30.1.** следующего содержания:

"30.1. При рассмотрении иска кредитора к поручителю - Государственному фонду поддержки предпринимательства (далее - Фонд) суды должны руководствоваться нормами Положения "О Государственном фонде поддержки предпринимательской деятельности", утверждённого постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16 января 2020 года № 28.

При этом, суды должны учесть, что если договор поручительства заключен с Фондом в качестве обеспечения исполнения обязательства по кредитному договору, то до предъявления требования к Фонду кредитор должен принять меры к взысканию кредитного долга по другим обеспечениям испол-

нения обязательств и лишь при недостаточности имущества у должника (иного поручителя) для исполнения обязательства, а также при невозможности обращения взыскания долга на объект залога, кредитор вправе предъявить требование к Фонду, если иное не предусмотрено договором поручительства.

Недостаточность имущества должника (иного поручителя) для исполнения обязательства, а также невозможность обращения взыскания долга на объект залога подтверждается постановлением государственного исполнителя о возврате исполнительного листа взыскателю на основании пункта 3 части первой статьи 40 Закона Республики Узбекистан "Об исполнении судебных актов и актов иных органов". Несоблюдение этих требований является основанием для отказа в удовлетворении иска, предъявленного к Фонду".

2. Постановление от 11 февраля 2011 года № 1 "**О некоторых вопросах судебной практики по делам о легализации доходов, полученных от преступной деятельности**":

пункт 2 дополнить **абзацем третьим** следующего содержания:

"Под доходами, полученными от преступной деятельности следует понимать денежные средства и иное имущество, полученные в результате совершения преступления,

а также любая прибыль или выгода, полученные от использования такого имущества, а равно превращенные или преобразованные полностью или частично в другое имущество либо приобретенные к имуществу, приобретенному за счет законных источников”;

первый абзац пункта 3 изложить в следующей редакции:

“По смыслу статьи 243 УК под легализацией доходов следует понимать придание виновным правомерного вида происхождению денежных средств или другого имущества, полученных в результате преступной деятельности путём реализации, обмена, обращения в имущество, а также сокрытие либо сохранение в тайне истинных свойств источника, места хранения, способов завладения, перемещения, действительных прав собственности на денежные средства или другое имущество либо принадлежность денежных средств или другого имущества. В качестве объекта собственности в данном случае может быть любое имущество, предусмотренное статьей 169 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, в том числе виртуальные активы (криптовалюта и др).

3. Постановление от 6 сентября 2013 года № 18 **“О судебной практике по делам о нарушении таможенного законодательства и контрабанде”:**

пункт 16 изложить в следующей редакции:

“16. При разрешении вопроса о виновности лица в незаконном перемещении через таможенную границу валюты судам следует иметь в виду, что количество свободно ввозимой и вывозимой из Республики Узбекистан наличной иностранной и национальной валюты установлен:

Законом Республики Узбекистан “О валютном регулировании”;

постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25 февраля 2004 года № 86 “О мерах по упорядочению ввоза и вывоза наличной национальной валюты Республики Узбекистан”;

Правилами ввоза и вывоза наличной иностранной валюты физическими лицами через таможенную границу Республики Узбекистан, утверждёнными постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 января 2018 года № 66.

В случае декларирования лицом только

части единовременно ввозимой или вывозимой из Республики Узбекистан наличной валюты, действия лица квалифицируются, исходя из размера недекларированной части наличной валюты”;

первый абзац пункта 17 после слов “наркотических средств” дополнить словами “их аналогов”.

4. Постановление от 29 июля 2016 года № 11 **“О практике применения судами законодательства по делам о взыскании алиментов на содержание несовершеннолетних и нетрудоспособных совершеннолетних детей”:**

пункт 2 изложить в следующей редакции:

“В соответствии с законом выплата алиментов на содержание несовершеннолетних детей, а также совершеннолетних нетрудоспособных детей, нуждающихся в помощи, производится в добровольном порядке, по соглашению сторон, а также в судебном порядке.

Разъяснить, что в судебном порядке (по судебному приказу или решению суда) взыскание алиментов производится по заявлению или иску одного из родителей, если другой из родителей не выполняет свои обязанности по содержанию несовершеннолетних детей.

При отсутствии соглашения между родителями о выплате алиментов, а также в случае, если их выплата не производится добровольно и никто из родителей не обратился в суд с требованием о взыскании алиментов, иск о взыскании алиментов с родителя, не выполняющего обязанности по содержанию несовершеннолетнего ребёнка, вправе предъявить несовершеннолетний, достигший возраста четырнадцати лет. В случае раздельного проживания ребенка и родителей, не выполняющих обязанности по содержанию несовершеннолетнего ребёнка, несовершеннолетний, достигший возраста четырнадцати лет вправе предъявить иск о взыскании алиментов к одному либо обоим родителям.

Взыскание алиментов на содержание несовершеннолетних, оставшихся без родительского попечения, производится судом по иску органов опеки и попечительства, учреждений для детей-сирот и детей, оставшихся без родительского попечения, а также прокурора.

Алименты на содержание совершеннолетних нетрудоспособных детей, нуждающихся в помощи, подлежат взысканию по иску одного из родителей на основании решения суда”;

в пункте 6:

в **абзаце первом** слова "В соответствии с пунктом 3 статьи 329 Налогового кодекса" заменить словами "В соответствии с пунктом 2 статьи 8 Закона Республики Узбекистан "О государственной пошлине", а также с частью первой статьи 174 ГПК”;

в **абзаце третьем** слово "вынесении" заменить словом "выдаче", слова "исходя из средней заработной платы, установленной в Республике Узбекистан" заменить словами "исходя из установленного законодательством минимального размера оплаты труда”;

пункт 7 исключить;

в **пункте 14 в абзацах первом, втором и третьем** слова "установленного законодательством минимального размера заработной платы" заменить словами "установленного законодательством минимального размера оплаты труда”.

5. Второй абзац пункта 10 постановления от 27 декабря 2016 года № 26 "О судебной практике по применению законодательства о возмещении имущественного вреда, причинённого преступлением" дополнить **предложением** следующего содержания:

"При этом стоимость валютных ценностей определяется, исходя из курса, установленного Центральным банком Республики Узбекистан на день вынесения приговора”.

6. Постановление от 28 апреля 2017 года № 12 "О судебной практике по уголовным делам, связанным с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ”:

наименование после слов "наркотических средств" дополнить словами "их аналогов”;

текст после слов "наркотические средства" дополнить словами "их аналогов" в соответствующем падеже;

пункт 4 изложить в следующей редакции:

"4. В соответствии с законом административная и уголовная ответственность наступает за незаконный оборот лишь тех наркотических средств, их аналогов и психотропных веществ, которые включены в сле-

дующие списки, утверждённые постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 ноября 2015 года № 330:

Список наркотических средств, оборот которых в Республике Узбекистан запрещён (список I);

Список наркотических средств, оборот которых в Республике Узбекистан ограничен (список II);

Список психотропных веществ, оборот которых в Республике Узбекистан ограничен (список III);

Список прекурсоров, оборот которых в Республике Узбекистан ограничен (список IV).

При этом следует иметь в виду, что за незаконное изготовление, приобретение, хранение, перевозку или пересылку наркотических средств, их аналогов и психотропных веществ без цели сбыта в небольших размерах виновные во всех случаях подлежат административной ответственности (статья 56 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности). Если указанные действия совершены с целью сбыта, деяние подлежит квалификации по части первой статьи 273 УК,

абзац второй пункта 31 изложить в следующей редакции:

"На решение такого вида экспертизы целесообразно поставить следующие вопросы:

является ли изъятое средство или вещество наркотическим, его аналогом, психотропным, если да, какой его вид, количество и чистый вес активного вещества;

имеются ли на изъятом объекте остатки (микрочастицы) или следы наркотического средства, его аналога, психотропного вещества;

к какому виду относится растение, изъятое с конкретного земельного участка и является ли оно наркотикосодержащим;

являются ли изъятые средства или вещества однородными, имеют ли они общий источник происхождения по способу (технологии) изготовления, условиям хранения, использованному исходному сырью, месту произрастания данного растительного сырья”.

**Председатель Верховного суда
Республики Узбекистан К. КАМИЛОВ**

**И.о.секретаря Пленума,
судья Верховного суда Р. ИСМАЙЛОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2020 йил 30 июль

№ РС-39-20

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари
томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида
кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг

веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари (Т.Мелибоев, Г.Парпиева, А.Муродов, Қ.Комилов), вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорларини вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорларини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида 2020 йил август ойида видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда 2020 йил 31 августга қадар тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судларига амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари — судлов ҳайъатлари раислари Р.Махмудова, И.Муслимов, Х.Ёдгоров ва Б.Исаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси** **К. КАМИЛОВ**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг 2-бандига кўра, Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан ҳар чорак якунида ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жорий йилнинг ўтган иккинчи чораги давомида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 4.305 та назорат тартибида шикоят (протест)лар келиб тушиб, шу даврда жами 5.993 та шикоят (протест)лар ўрганилган.

Улардан 4.066 та шикоят судлов ҳайъатига ўтказилиши рад қилинган, 265 таси кўрмасдан қайтарилган, 951 таси жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кўриш

учун ўтказилиб, 711 та шикоят ҳисобот даврининг охирида қолдиқда қолган.

Шундан 661 та шикоят (протест) жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, 603 та шикоят (протест) қаноатлантирилган, 58 та шикоят (протест) рад қилинган. Жумладан, 367 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция ва кассация инстанцияларида кўриш учун юборилган, жами 236 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, шундан 46 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазо чоралари камайтирилган, 112 та иш бўйича жиноят малакаси ўзгартирилмай жазо чоралари камайтирилган, 50 та иш бўйича суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддаси бешинчи қисми ва бошқа асосларга кўра, ўзгартирилган ҳамда 28 та иш тугатилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (бундан буён матнда ЖК деб юритилади), Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖКП деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

1. Суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шарт.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 6 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Қувасой шаҳар судининг 2019 йил 27 февралдаги ҳукмига кўра,

Д.М. ЖКнинг 28, 246-моддаси иккинчи қисми, 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига

судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д.М. шериги Х.М. ва Қирғизистон Республикаси фуқароси бўлган бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, 2018 йил сентябрь ойида Х.М. билан бирга Қувасой шаҳри ҳудудида "Замир" исмли шахс билан учрашиб, контрабанда йўли билан олиб ўтиладиган 1 килограмм "гашиш" гиёҳвандлик воситасини 4.000 АҚШ доллариға сотиб олишға келишишган. 2018 йил 3 октябрь куни "Замир" исмли шахс "гашиш" гиёҳвандлик воситасини Қирғизистондан Ўзбекистон ҳудудиға контрабанда йўли билан олиб ўтгач, Д.М. бошқарувидаги "Matiz" русумли автомашинасида Х.М. билан Қувасой шаҳри, Полмон қишлоғиға боришган ва "Замир" билан кўришиб, унга 4.000 АҚШ долларини бериб, 672 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситасини сотиб олишган. Шундан сўнг Х.М. "гашиш" гиёҳвандлик воситасини ёнида сақлаб — йўловчи автомашинада; Д.М. эса, ўзининг автомашинасида Х.М.ни орқасидан кузатиб, Фарғона шаҳриға келишган. Кейин Х.М. йўловчи автомашинадан тушиб, Д.М. бошқарувидаги автомашинаға чиқмоқчи бўлганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган. Жиноий гуруҳ ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларға кўра, ўз ҳаракатларини охириға етказа олмасдан, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотишға суиқасд қилганликда айбдор деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Д.М.нинг айби исботлангани ҳақида хулосаға келган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатоликка йўл қўйган. Хусусан, дастлабки тергов органи ва суд Д.М.дан олинган гиёҳвандлик воситаси миқдори 672 грамм бўлиб, фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганидан келиб чиқиб, унинг гиёҳвандлик воситасини ўтказишға суиқасд қилганликдаги айби исботлангани ҳақида асосли хулосаға келган бўлса-да, бироқ унинг гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига сотишға суиқасд қилганлиги ҳақидаги хулосасиға асос бўлган бирон-бир далилни келтирмасдан тахминий қарор

қабул қилган.

Олий суд Пленумининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунға хилоф равишда муомала қилишға оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 2017 йил 28 апрелдаги таҳрирининг 21-бандида ЖКнинг 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунға хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинға (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсға бериш тушунилиши, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли мазкур қилмиш ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан квалификация қилиниши, мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖКнинг 273-моддаси бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишиға сабаб бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шунға кўра, гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилгани ёки экспертанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисида берган хулосасининг ўзи айбдорни гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказишға суиқасд қилганликда айблаш учун етарли далил ҳисобланмайди.

Чунки Д.М. 672 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситасини айнан сотиш ҳақида бирон-бир шахс билан келишгани ёки унинг шунға қаратилган ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тўхтатилгани ёхуд унда ушбу воситаларни айнан сотиш йўли билан ўтказиш мақсади бўлгани аниқланмаган ва бундай далилни тўплаш ва мавжуд шубҳани бартараф этиш имкониятлари тугаган.

Бундай ҳолда Д.М.нинг гиёҳвандлик воситасини қонунға хилоф равишда сотиш йўли билан ўтказиш мақсади бўлганлиги тасдиқланмагани боис, унинг ҳаракатлари гиёҳвандлик воситасини Х.М. билан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш

учун сақлаш деб баҳолаш лозим.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2020 йил 5 майдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Д.М.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25, 273-модда-

си бешинчи қисмидан шу модданинг учинчи қисми "б" бандига қайта квалификация қилиниб, қилмишига мувофиқ меъёрда жазо тайинланган.

ЖСХ-1-1505-1901/11-сонли иш

2. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши лозим.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 8 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Қўшработ туман судининг 2017 йил 22 июндаги ҳукмига кўра, О.С. Жиноят кодексининг 169-моддаси тўртинчи қисми "в" банди, 177-моддаси учинчи қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 8 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.С. бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Э.Э. раҳбарлигида уюшган гуруҳга бирлашган. Жиноий режага кўра, О.С. уюшган гуруҳ таркибида фаолият юритиб, гуруҳ раҳбари ва аъзолари ҳамда суд мажлисида аниқлашнинг имкони бўлмаган "Б.", "Р.", "С." ва бошқа шахслар билан бирга 2015 йил ноябрь ойидан 2016 йил март ойига қадар НКМК Жанубий кон бошқармасига қарашли "Зармитан" конининг ер ости шахтасидан таркибида олтин моддаси бўлган жами 25 тонна руда тошларини яширин равишда талон-торож қилган. Уюшган гуруҳ руда тошларини Ў.Й.нинг яшаш уйидаги қўлбола усулда ясалган тош тегирмонида майдалаб, олтин моддасини ажратиб олишгач, қонунга хилоф равишда "Санжар" исмли номаълум шахсга 40.000.000 сўмга сотишган ва бу маблағни жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида бўлиб олишган.

Бундан ташқари О.С. уюшган гуруҳ таркибида фаолиятини давом эттириб, уюшган гуруҳ раҳбари ва аъзолари ҳамда дастлабки тергов ва суд мажлисида аниқлаш имкони бўлмаган "Т." исмли шахс билан ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, НКМК Жанубий кон бошқармасига қарашли "Зармитан" конига ғайриқонуний равишда кириб, 885-сонли горнизонтдан таркибида олтин моддаси бўлган 2.000 килограмм

руда тошларини яширин равишда талон-торож қилишган. Жиноий гуруҳ ушбу руда тошларини дастлабки тергов ва суд мажлисида аниқлаш имкони бўлмаган номаълум "Форд-транзит" русумли автомашина ёрдамида Хатирчи туманига олиб бориб, дастлабки тергов ва суд мажлисида аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахсга 4.000.000 сўмга сотишган, олинган даромадни жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида бўлиб олишган.

Бундан ташқари О.С. уюшган жиноий гуруҳ таркибида фаолиятини давом эттириб, уюшган гуруҳ раҳбари ва аъзолари билан бирга 2016 йил 6, 16, 17, 19 март кунлари Э.Э. ва Ж.М.нинг бошқарувларидаги "Ласетти" ҳамда "Нексия" русумли автомашиналаридан фойдаланиб, НКМК Жанубий кон бошқармасига қарашли "Зармитан" конига ғайриқонуний равишда кириб, 885-сонли горнизонтдан таркибида олтин моддаси бўлган 25.538.533,88 сўм қийматга тенг бўлган жами 4.485 килограмм руда тошларини яширин равишда талон-торож қилишган. Сўнг А.Ш.нинг "ISUZU" русумли автомашинасига ортаётган вақтда, ИИБ ходимлари томонидан ушланиб, таркибида олтин моддаси бўлган 25.538.533,88 сўмлик руда тошлари ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Суд О.С.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишда ифодаланган ҳаракатини нотўғри квалификация қилган.

Жиноят кодексининг 177-моддаси учинчи қисми "б" бандида уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, фуқароларнинг қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказишда ифодаланган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуни 3-моддасида чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин валюта бойликлари ҳисобланиши кўрсатилган.

Олий Суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида"ги 8-сонли қарори 2-банди "г" кичик бандида валюта қимматликларининг рўйхати "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги 2003 йил 11 декабрдаги қонуннинг 3-моддасида белгиланган бўлиб, уни кенгайтирилган ҳолда талқин этиш мумкин эмаслиги, бундай қимматликларга соф қуйма олтин кириши ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Мазкур иш бўйича ўғирланган ва сотилган жиноят объекти — таркибида олтин бўлган руда қумлари бўлиб, улар соф қуйма олтин ҳолатига келтирилмаган, юқоридаги қонун ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига мувофиқ,

таркибида олтин бўлган руда қумларини валюта қимматликлари сифатида эътироф этиб бўлмайди, шунга кўра, ушбу руда тошлари валютани олиш ёки ўтказиш жинояти таркибини ташкил этмайди.

Иш ҳужжатларига кўра, О.С. уюшган гуруҳ таркибида фаолият юритиб, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, гуруҳ раҳбари ва бошқа аъзолари билан биргаликда НКМК Жанубий қон бошқармасига қарашли "Зармитан" конининг ер ости шахтасидан таркибида олтин моддаси бўлган жами 3 та ҳолатда, яъни 25 тонна, 2000 ва 4.485 килограмм руда тошларини яширин равишда талон-торож қилган.

Юқорида баён этилганларга асосан, жиноят объекти ҳисобланган, таркибида олтин моддаси бўлган руда қумлари валюта қимматликларига кирмайди.

Шу боис судлов ҳайъатининг 2020 йил 23 июндаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, О.С.нинг айбловидан Жиноят кодексининг 177-моддаси учинчи қисми "б" банди чиқарилган ва жиноят ишининг шу қисми ҳаракатдан тугатилган.

ЖСХ-1-56А-17-сонли иш.

3. Кўрсатмаларнинг, шу жумладан, айбига иқдорлик тўғрисидаги кўрсатмаларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олиниши далилларни номақбул деб топишга асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 28 апрелдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Яшнобод туман судининг 2015 йил 1 майдаги ҳукмига кўра, И.Б. Жиноят кодексининг 205-моддаси биринчи қисми, 208-моддаси, 210-моддаси иккинчи қисми "в", "г" бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 3 йил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи И.Б. туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили лавозимида хизмат қилиб, лавозимига кўра, мансабдор шахс бўла туриб, бошқа мансабдор шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктирган. Сўнг туман ИИБнинг навбатчилик қисмида Шақл-2 китобидан 1884-сон

билан қайд этилган, 2013 йил 17 август куни соат 21 ларда "Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори" АЖ ҳудудида А.Т. раҳбарлигидаги жиноий гуруҳ аъзолари билан бошқа номаълум шахслар ўртасида безорилик жинояти содир этилган пайтда жиноий гуруҳ аъзоси Ш.А.нинг тан жароҳати олганлиги ҳақидаги хабари бўйича Ш.Д. 2013 йил 18 август куни терговолди текширув ҳаракатларини ўтказишни профилактика инспектори С.Р. зиммасига юклаган. Ўз навбатида, С.Р. ноқонуний бойлик орттириш ва мулкий манфаат кўриш мақсадини кўзлаб, ғаразгўйлик ниятида, туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили И.Б. билан ушбу безорилик жинояти натижасида жиноий гуруҳ аъзоси Ш.А.нинг тан жароҳати олганлиги ҳолати юзасидан ўтказилаётган терговолди текширув ҳаракатлари давомида жиноят иши қўзғатмас-

ликка ва ишни ижобий ҳал қилиб, уларга нисбатан чора кўрмаслик эвазига тамагирлик йўли билан А.Т.дан пора беришни талаб қилган. Натижада С.Р. ундан 2 марта 250.000 сўмдан жами 500.000 сўм, И.Б. эса, 400.000 сўм миқдоридаги пул маблағини пора тариқасида олган. Безорилик жинояти бўйича тўпланган ҳужжатлар юзасидан 2013 йил 21 августда Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисмига асосан, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиниб, мазкур қарорнинг Бектемир туман ИИБ ҲООБ бошлиғи Ш.Д. томонидан тасдиқланишига эришиб, содир этилган жиноят бўйича суриштирув ҳаракатларини тўлиқ амалга оширмасдан, ҳокимият ҳаракатсизлигига йўл қўйган.

Бундан ташқари судланувчи И.Б. туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, мансабдор шахс бўла туриб, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган, туман ИИБ Патруль пост хизмати гуруҳининг милиционерлари Н.Қ. билан жиноий тил бириктириб, 2011 йил 7 октябрда Д.Т.нинг тан жароҳати олганлиги юзасидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борган. Мазкур жиноятни содир этган Ш.А., Д.А., М.М. ва бошқаларни 2011 йил 10 октябрда Тошкент шаҳар ИИББ реабилитация марказига жойлаштириб, уларни мазкур марказдан чиқариш эвазига гуруҳ раҳбари А.Т.дан 100.000 сўм миқдоридаги харажатни тамагирлик йўли билан олган ва туман ИИБ бошлиғи номидан Тошкент шаҳар ИИББ реабилитация Маркази бошлиғи номига хат тайёрлаб, 2011 йил 12 октябрда М.М.ни, 2011 йил 15 октябрда Ш.А. ва Д.А.ларни реабилитация марказидан олиб чиқишган.

Бундан ташқари И.Б. туман ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келиб, туман ИИБ тезкор вакили Р.Г. билан жиноий тил бириктириб, "Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори"да турли тадбиркорлардан товламачилик йўли билан ҳақ талаб қилиб келган А.Т., Ф.Э., Ш.А., Д.А., А.М. ва бошқаларнинг ноқонуний фаолиятини амалга оширишда ҳомийлик қилган, улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга чора кўрмаслик, уларни Тошкент шаҳар ИИББ реабилитация марказига жойлаштирмаслик, турли рейдлар ҳақида олдиндан хабардор

қилиш эвазига 2013 йил 28 декабрда гуруҳ аъзоси Ф.Э. орқали 12 дона 180.000 сўмлик тол новдасидан тўқилган сават, 12 дона 120.000 сўмлик кокос цитрус меваси, жами 300.000 сўм миқдоридаги бозорликларни тамагирлик йўли билан пора тариқасида олишган.

Бундан ташқари судланувчи И.Б. 2009 йил июнь ойидан туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори ва 2012 йил июль ойидан туман ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келиб, хизмат юзасидан ўзига бириктирилган "Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори" АЖда турли тадбиркорлардан товламачилик йўли билан ҳақ талаб қилиб келган А.Т., Ф.Э., Ш.А., Д.А., А.М. ва бошқаларнинг ноқонуний фаолиятини амалга оширишда ҳомийлик қилиб, улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларига чора кўрмаслик, уларни Тошкент шаҳар ИИББ реабилитация марказига жойлаштирмаслик, турли рейдлар ҳақида олдиндан хабардор қилиш эвазига 2009 йил июнь ойидан 2012 йил июль ойига қадар А.Т.дан жами 9.800.000 сўмлик бозорликларни пора тариқасида олган. 2011 йил 7 октябрда Д.Т.нинг тан жароҳати олганлиги юзасидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб бориб, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғаш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим бўлса-да, ҳокимият ҳаракатсизлигига йўл қўйиб, безорилик жиноятини содир этган Ш.А.га нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатган, суднинг 2011 йил 15 октябрдаги қарори билан Ш.А. ушбу кодекснинг 21-моддасига асосан огоҳлантирилишига эришган.

ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши;

23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қили-

нувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиغان шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши;

95-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 16-бандида "ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишини иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги тушунтирилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя этилмаган.

Ҳукмда гарчанд судланувчи И.Б. ўз қилмишига иқрор эмаслигини билдирган бўлса-да, унинг айби гувоҳлар Д.Т., А.Т., Ф.Э., Ш.А., Д.А. ва бошқаларнинг суддаги кўрсатмалари ҳамда жиноят иши ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар билан исботланганлиги баён қилинган.

Ваҳоланки, биринчи инстанция судида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган А.Т., Ш.А., Д.А., Ф.Э. ва бошқалар судланувчи И.Б. ва бошқаларга моддий қимматликлар бермагани, терговда берган кўрсатмаларини тасдиқламаслиги, уларни тазйиқ остида бергани, судда эса, тўғри кўрсатмалар бераётганини билдиришган.

Бундан ташқари ушбу иш бўйича судланганлар Ш.Д., Н.Қ., Р.Г. ҳам ўзларига қўйилган И.Б. ва бошқаларга оид айбловга иқрор-

лик билдирмасдан кўрсатмалар беришган.

Судлов ҳайъатида сўроқ қилинган И.Б. 2009 йил июнь ойидан 2012 йил июль ойига қадар Бектемир туман ИИБ ХООБ профилактика инспектори, 2012 йил июль ойидан 2014 йил 2 майга қадар ЖК ва УЖҚКБ текзор вакили лавозимида ишлаб келганини, хизмат фаолияти давомида "Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори" ҳудуди бириктирилганини, бозор ҳудудида А.Т. ва унинг шерикларини 2013 йил ёз ойларида кўргани, лекин улар билан яқин алоқада бўлмаганини, 2011 йил 7 октябрда Д.Т.нинг тан жароҳати олганлиги ҳолати юзасидан текшириш ўтказиб, Д.Т.дан тушунтириш хати олгани ва уни Ш.А. уриб тан жароҳати етказганини билгани, Д.Т.ни суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказганида "енгил" тан жароҳати етказилганлиги ҳақида хулоса бергани, материал бўйича ИИБ ТБ бошлиғига ахборот бериб, Ш.А.га нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси иккинчи қисми билан маъмурий ҳужжатларни расмийлаштиргани, туман прокурорининг ўринбосари ҳужжатларни асосли деб топганлиги сабабли, мазмунан кўриш учун судга юборгани, А.Т. ва унинг шерикларидан умуман бозорликлар олмагани, Д.Т.нинг аризаси юзасидан гумонланувчилар Д.А., Ш.А. ва М.М.ни прописка масаласида Тошкент шаҳар ИИББ Реабилитация марказига жойлаштиргани, Д.Т.га тайинланган суд-тиббий экспертизаси хулосаси тайёр бўлганидан сўнг туман ИИБ Навбатчилик қисмининг хатига асосан Н.Қ. уларни олиб чиқиб, туман судига олиб боргани, Н.Қ. билан жиноий тил бириктириб, А.Т. ва унинг шерикларидан моддий манфаат кўрмаганини, дастлабки тергов давомида А.Т. ва бошқалар билан юзлаштириш тергов ҳаракати ўтказилмаганлигини, 2013 йил 17 августда "Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори" ҳудудида бўлган жанжал натижасида Ш.А. тан жароҳати олганлигидан умуман хабари бўлмагани, 2013 йил август ойида туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБда тезкор вакил бўлиб ишлагани, С.Р. билан ўзаро жиноий тил бириктирмагани, А.Т. унга тегишли "Nexia" русумли автомашинасига 400.000 сўм миқдорида пул олиб келиб бермагани, дастлабки тергов давомида С.Р.нинг қарори бекор қилиниб, жи-

ноят иши қўзғатилганлиги ҳақида эшитганлигини, 2013 йил 27 декабрь куни раҳбариятдан рухсат олиб бошқа вилоятга отасининг туғилган кунини нишонлаш мақсадида кетгани ва 30 декабрь куни қайтиб келганлигини, шу сабабли Ф.Э.дан 2013 йил 28 декабрь куни 12 дона 180.000 сўмлик тол новдасидан тўқилган сават ва 13 дона 130.000 сўмлик кокос мевалари олмагани, дастлабки тергов давомида берган кўрсатмаларини УЯ 64/ТХ-1-сонли тергов ҳибсхонасида тазйиқ остида ёзиб бергани, унга нисбатан жисмоний азоб берилганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Судда Н.Қ. 2011 йил апрель ойидан 2012 йил ноябрь ойига қадар туман ИИБ Патруль пост хизмати гуруҳининг милиционери, кейин 2014 йил 2 майга қадар шаҳар ИИББ ППХ бригадасида милиционер-ҳайдовчи лавозимида ишлаганлигини, руҳий ва жисмоний тазйиқлар остида олинган кўрсатмалари асосида айбланганлиги, туман ИИБ профилактика инспектори И.Б. билан тил бириктириб, фуқаро А.Т.дан 100.000 сўмлик бозорлик олиб беришни талаб қилмаганини баён қилган.

Судда Р.Г. ИИБ раҳбарияти томонидан тегишли ҳудудда тезкор вакил бўлиб хизмат олиб бориш вазифаси топширилганлигини, 2014 йил 1 май куни 24 соатлик хизматдан сўнг тушлик вақтига яқин уйга келгани, бироздан сўнг "Нексия" автомашинасида икки нафар ходим келиб, ҳужжат кўрсатиб, ГУВДга олиб кетишгани, бу ерда у туманда ишлаган тезкор вакиллар И.Б. ва А.Қ., профилактика инспекторлари С.Р., З.У., Н.М. ва ППХ ходими Н.Қ.ни ҳам кўрганлигини, шу тариқа жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов жараёнида руҳий ва жисмоний тазйиқлар остида сўроқ қилиниб, асоссиз айбловлар билан жинойий жавобгарликка тортилганлиги, тезкор вакил И.Б. орқали А.Т. ва бошқалардан 12 дона 180.000 сўмлик тол дарахти новдасидан тўқилган саватлар ва 12 дона ҳар бирининг баҳоси 10.000 сўмдан жами 120.000 сўмлик кокос цитрус меваси, жами 300.000 сўм миқдордаги бозорликларни пора тариқасида олмаганлиги, судда гувоҳлар Ф.Э. ҳам, унинг тоғаси А.Т. ҳам ҳақиқатни айтиб, унга ҳеч қандай мевачева, кокос ёки тол новдасидан тўқилган саватлар бермаганлигини, терговдаги

кўрсатмалари жисмоний қийноқлар қўлланган ҳолда олинганлигини, қийноқларга чидай олмай шундай кўрсатмалар беришганини айтишса-да, улар инobatга олинмасдан асоссиз судланганлигини билдирган.

Судда Ш.Д., туман ИИБ ҲООБ бошлиғи лавозимида ишлаб келгани, "Қўйлик" бозорида фаолият юритиб келган сурхондарёлик шахсларнинг қамоққа олиниб, тазйиқлар остида берган мажбурий кўрсатмалари асосида туман ИИБнинг бир қатор ходимларига жиноят иши қўзғатилиб, қамоққа олиниб, тергов ҳаракатлари давомида руҳий ва жисмоний қийноқларга солиниб, унга нисбатан иқрорлик кўрсатмалари олиниб, шу асосда қамоққа олинганлиги, шу тариқа у ҳам қийноқларга солиниб, бошқа мансабдор шахсларга қанча пора берганлиги ҳақида ёзиб беришини талаб қилишгани, аммо ҳеч кимга пул бермаганлигини баён қилишига қармасдан, қаттиқ қийноқларга солинганлиги, судда берган кўрсатмалари эътиборга олинмасдан асоссиз судланганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Судлов ҳайъатида А.Т., И.Б.ни танигани, лекин уни моддий манфаатдор қилиб турмагани, бозорликлар қилиб бермагани, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қамоққа олинганидан сўнг турли қийноқларга солиниб, "ички ишлар ходимларига пул ва бозорликларни пора тариқасида берганмиз" деб кўрсатма беришга бир неча кунлаб мажбур қилишгани, уларга нисбатан ўтказилган кучли жисмоний ва руҳий тазйиқларга чидай олмасдан олдиндан ёзилган "ариза"ларга имзо қўйгани, суд жараёнида терговдаги кўрсатмаларини кучли босим ва мажбурликдан имзо қўйганини айтиб, ички ишлар ходимларига қарши берган кўрсатмалари ёлғон эканлиги ҳақида кўрсатма берган.

Иш биринчи инстанция судида кўрилган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 12-сонли қарори 1-бандида суриштирув органлари, дастлабки тергов ва суднинг далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдаги фаолиятида қонунийлик принципининг риоя этилиши мажбурийлиги, қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя

қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра, юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилшига олиб келиши, номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмаслиги;

3-бандининг "в" кичик бандида кўрсатмаларнинг, шу жумладан, айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатмаларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олиниши далилларни номақбул деб топишга асос бўлиши тушунтирилган.

Биринчи инстанция суди иш юзасидан пора берувчи А.Т. ва бошқа шахслар ўша вақтда ариза билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилмаганликлари, кейинчалик бошқа шахсларнинг тазйиқи остида қамоққа олинган вақтда ариза берганликлари, шунингдек, улар судда берган кўрсатмаларида дастлабки терговдаги кўрсатмалари ихтиёрий эмаслиги ҳамда нотўғри эканлигини баён қилишгани жиноят ишида тўпланган ҳужжатларга мос

қилишини муҳокама қилмасдан ҳолатга аниқлик киритмаган.

Шунингдек, жиноят ишида И.Б.нинг айбини тасдиқловчи далиллар топилмаган, жумладан, у пора олиш вақтида ушланмаган, иш бўйича пора предмети бўлган пул маблағлари олинмаган, унинг бошқа шахс билан пора олиш ёки бериш ҳақидаги сўзлашувларининг аудио ёки видеоёзувлари ҳам мавжуд эмас.

Бундан ташқари жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2019 йил 5 сентябрдаги ҳамда 2019 йил 7 ноябрдаги ажримларига кўра, мазкур ҳукмнинг Ш.Д., С.Р., З.У., Н.Қ., Р.Г. ва Н.М.ларга нисбатан қисми бекор қилиниб, улар қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан, реабилитация қилиниб, оқланган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2020 йил 18 июндаги ажрими билан И.Б.нинг қилмишларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли уни ЖКнинг 210-моддаси иккинчи қисми "в", "г" бандлари, 205-моддаси биринчи қисми ва 208-моддаси билан айбли деб топиш ҳақидаги суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят ишининг унга оид қисми ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан тугатилган.

ЖСХ-1-53-2015-сонли иш

4. Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 12 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган шу суднинг 2010 йил 12 октябрдаги ҳукмига кўра, Б.Қ. Жиноят кодексининг 205-моддаси иккинчи қисми "в" банди, 210-моддаси учинчи қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йил мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши, судланувчини ҳам фош

қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этилган.

Иш биринчи инстанция судида кўрилган вақтда амалда бўлган Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 2-сонли қарори 3-банди, кейинчалик янги таҳрирда 2014 йил 23 майда қабул қилинган "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сонли қарори 5-бандида Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига биноан, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумот-

лардан фойдаланиш мумкинлиги, бунда Жиноят процессуал кодексининг 26 ва 455-моддалари талабига биноан, ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асослантирилган бўлиши лозимлиги;

ушбу Пленум қарорларининг 6-бандида ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, дастлабки тергов ва суд Б.Қ. вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, 2006-2009 йиллар давомида бир неча нафар шахсдан пора олганликда айбдор деб топган.

Б.Қ. судда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиши давомида ҳеч кимдан пора олмаганлиги, пора олганлиги тўғрисида унга нисбатан тухмат уюштирилганлиги, ҳақиқатан, 2007 йил апрель ойида Х.Ш. туғилган куни муносабати билан бир дона гиламни совға тариқасида, бундан ташқари 2009 йил июнь ойида қизининг никоҳ тўйини ўтказганида бир дона қўйни тўёна сифатида олиб келгани, бироқ Х.Ш.га ушбу нарсаларни олиб келиши ҳақида айтмаганлиги, уларни бирон-бир ишни бажариб бериш учун пора тариқасида олмагани, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланган вақтдаги буйруқда унга иш ҳақиға 30 фоиз устама белгиланиши кўрсатилгани ҳамда ходим сифатида моддий рағбатлантириш олиши мумкин бўлгани, шунинг учун кўпчилик учун чиқарилган моддий рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқларга ўзини ҳам қўшиб хатоликка йўл қўйган бўлиши мумкинлиги, аммо буни қасддан ва ғараз мақсадларда содир этмагани ҳақида кўрсатмалар берган.

Жабрланувчи К.Ж. судда 2008 йил 31

мартдан 2009 йил август ойига қадар шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази директори лавозимида ишлаганлиги, марказ директори лавозимига тайинланиши учун пора бермаганлиги, дастлабки тергов даврида унга нисбатан нотўғри кўрсатма бергани ҳақида;

жабрланувчи Ж.Ю. судда 2009 йил 22 октябрдан туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимида ишлай бошлагани, шу йили пахта мавсумида туманга келган Б.Қ. соғлиғи яхши эмаслигини айтиб, ундан 500.000 сўм сўраганлиги, шунда унга 400.000 сўм берганлиги, кейинчалик тергов даврида терговчига ишга ўтганидан сўнг Б.Қ.га 400.000 сўм пора берганлигини айтиб, ариза ёзиб бергани, терговдан чиққанидан сўнг виждони қийналганлиги сабабли қилган иши тўғрисида Б.Қ.га маълум қилиб, Б.Қ. ундан пора талаб қилиб олмагани тўғрисида ариза ёзиб, почта билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборгани ҳақида;

жабрланувчи Б.Х. судда шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари ва бошлиғи лавозимларида ишлагани, Б.Қ.га пора бермаганлиги, дастлабки терговда Ш.Т. орқали унга пора берганлиги ҳақида нотўғри кўрсатма беришга мажбур бўлганлиги ҳақида;

жабрланувчи Ш.Т. судда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ишлаб келганлиги, 2010 йил февраль ойида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга чақиртирилиб, К.Ж. ва Б.Х. унга нисбатан ариза ёзганлигини айтишгани, кейин Н.А. ҳам Б.Қ.га пора беришда воситачилик қилганликда айбланиб, қамоққа олинганидан кўрқиб кетиб, К.Ж. ва Б.Х. томонидан берилган порани Б.Қ.га берганлиги ҳақида нотўғри кўрсатма беришга мажбур бўлганлиги ҳақида;

жабрланувчи С.Р. судда туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимига тайинланиши учун Н.А. орқали Б.Қ.га 1.500 АҚШ доллари пора бермаганлиги, дастлабки терговда бу ҳақда нотўғри кўрсатма беришга мажбур бўлганлиги ҳақида;

жабрланувчи У.Х. судда 2007 йилда туман ижтимоий таъминот бўлимига қарашли шўъба бошлиғи лавозимига тайинланиши учун бўлим бошлиғи Х.Ш.га 400.000 сўмни Б.Қ.га етказиши учун бергани, Б.Қ.

ундан пул талаб қилмагани ёки унинг ўзига шахсан пул бермаганлиги ҳақида;

жабрланувчи Х.Ш. судда туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимида ишлаганлиги, Б.Қ.нинг туғилган кунида бир дона гиламни унинг ҳайдовчисига бергани, Б.Қ.нинг талаби билан бир дона қўй олиб бориб бергани, 2009 йил апрель ойида бир дона сўйилган қўйни Б.Қ.нинг қизининг тўйига ўз ихтиёри билан тўёна сифатида олиб бориб бергани, Тошкент шаҳрига кетаётган Б.Қ.нинг қўлига 100.000 сўм пул бергани, 2007 йил ёз фаслида У.Х.ни ишга олиш учун ундан 400.000 сўм олиб, Б.Қ.га берганлиги ҳақида;

гувоҳ С.Қ. судда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида Б.Қ.нинг ҳайдовчиси бўлиб ишлаганлиги, 2006 ёки 2007 йилда Х.Ш. олдига келиб, бошлиқнинг туғилган куни экан деб, илтимос билан бир дона гиламни автомашинасига солиб кетгани, Б.Қ.нинг бирор шахсдан пора олганлигини кўрмаганлиги ёки эшитмаганлиги, дастлабки терговда ёзилган кўрсатмаларни ўқимасдан имзо қўйиб бергани ҳақида кўрсатма берган.

Шундай ҳолда, жабрланувчи тариқасида эътироф этилганлар К.Ж., Ж.Ю., Б.Х., Ш.Т., С.Р. суд мажлисида Б.Қ.га пора бермаганликлари, У.Х. ишга кириш учун 400.000 сўм пулни Х.Ш.га берганлиги, гувоҳ С.Қ. Б.Қ. бирор шахсдан пора олганлигини эшитмаганлиги ёки кўрмаганлиги, Б.Қ. эса, ҳақиқатдан ҳам, Х.Ш.дан туғилган кунида бир дона гиламни совға, қизининг тўйида бир дона қўйни тўёна тариқасида олганлигини инкор этмаган ҳолда, бундан бошқа ҳеч кимдан пора олмаганлиги тўғрисида кўрсатмалар берган бўлса-да, биринчи инстанция суди ишнинг ушбу ҳолатларига, уларнинг дастлабки терговда Б.Қ.га пора берганлиги тўғрисида кўрсатма беришга мажбур бўлганликлари ҳақидаги баёнотларига ҳамда ишда пора предмети тариқасида олинган ашёвий далиллар, почта-телеграф ва электрон жўнатмалар, аудио ёки видеоёзувлар, айнан пора олиш факти билан боғлиқ телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар каби далиллар мавжуд эмаслигига етарлича эътибор қаратмасдан, фақат уларнинг дастлабки терговда берган ва

Х.Ш.нинг бошқа биронта далил билан тасдиқланмаган кўрсатмаларини асос қилиб олиб, Б.Қ.ни пора олиш жиноятини содир этишда айбдор деб топиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Назорат инстанциясида сўроқ қилинган У.Х. туман ижтимоий таъминот бўлимига қарашли шўъба бошлиғи лавозимида таъинланиши учун бўлим бошлиғи Х.Ш.га ёки у орқали Б.Қ.га 400.000 сўм пора бермаганлигини, Б.Қ.га нисбатан иш қўзғатилган вақтда уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари чақириб, пул берганлигини билишларини айтиб, агар пул берганлигини айтмаса, қамалиб кетишини айтишгани учун кўрқанидан пора берганлиги тўғрисида тергов ва судда нотўғри кўрсатма берганини, аслида пора эвазига ишга кирмаганлигини;

Х.Ш. туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиши жараёнида Б.Қ.га бирон ишни ҳал қилиш ёки қўллаб туриши учун пора бермаганини, У.Х.-дан ҳам ишга кириши учун пора олиб, Б.Қ.га етказмаганини, Б.Қ.га нисбатан иш қўзғатилган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари Б.Қ.га моддий қимматликлар ва пул берганлигидан хабарлари борлигини, агар унга пул берганлигини айтмаса, қамалиб кетишини билдиришганлиги сабабли ўзидан кўрқиб, Б.Қ.га пора бергани тўғрисида тергов ва судда ёлғон кўрсатмалар берганини баён қилди.

Шунингдек, назорат инстанциясида К.Ж., Б.Х., Ж.Ю., С.Р. ва Ш.Т. биринчи инстанция судида берган кўрсатмаларини тасдиқлаб, Б.Қ.га пора беришмагани, дастлабки терговда кўрққанларидан пора беришганлиги ҳақида айтишга мажбур бўлишган бўлса-да, кейин биринчи инстанция судида ҳақиқий ҳолатни маълум қилишганлиги, бирор-бир ҳолатда Б.Қ.га пора ҳақида кўрсатмалар беришган.

Шу билан бирга, гувоҳлар Ф.Ф., Н.А., Б.У., Д.Ш., Х.Х. ва Т.А. назорат инстанциясига Б.Қ.га пора беришмагани, Б.Қ. ноҳаддан жавобгарликка тортилганлиги ҳақида аризаларни тақдим этишган.

Қайд этилган ҳолатлар, жумладан, У.Х. ва Х.Ш.нинг ўзлари назорат инстанциясида инкор этган дастлабки тергов ҳамда биринчи босқич судида берган кўрсатмаларидан ташқари Б.Қ.нинг айбдорлиги бош-

қа бирон-бир далил билан тасдиқланмаганлиги, иш бўйича жабрланувчи деб топилган шахсларнинг Б.Қ.га пора беришгани ҳақида дастлабки терговда кўрсатма беришга мажбур бўлишганлиги тўғрисидаги важлари ҳамда ишда мавжуд бўлган шубҳалар судда текширилмаган ва баҳо берилмаган, ҳозирда эса, Б.Қ.нинг пора олганлиги ҳолатлари билан боғлиқ шубҳаларни бартараф этиш имкониятлари тугаган.

ЖПКнинг 951-моддасига мувофиқ, агар фактик маълумотлар жабрланувчи ва гувоҳнинг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатмаларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас, деб топилди.

Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" - ги 24-сонли қарори 9-бандида далил жабрланувчи, гувоҳнинг фараз, тахмин, мишмишларга асосланган кўрсатмалари, шунингдек, жабрланувчи, гувоҳ ўзининг хабардорлиги манбасини айтиб бера олмаган ёки айтишни хоҳламаган ҳолларда мақбул эмас, деб топилди ҳақида тушунтиришлар берилган.

Б.Қ.нинг айблаш учун бир-бирига қарама-қарши бўлган, тахминлар ва судда текширилган далиллар йиғиндиси билан тасдиқланмаган ҳамда иш биринчи босқич судида кўрилган вақтда қисман, назорат инстанциясида эса, тўлиқ ўзлари томонидан инкор этилаётган шахсларнинг кўрсатмаларидан иборат мақбул бўлмаган далиллар асос қилиб олинган.

Бунда бошқа жиноят содир этилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд эмас ва бундай ҳолда Б.Қ.нинг пора олиш жиноятидаги айби исботланмаган, деб ҳисоблаш лозим бўлади.

Булардан ташқари Б.Қ. масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, иш фаолияти давомида белгиланган тартибга риоя этмасдан ўзига мукофот пули берилиши тўғрисида буйруқлар чиқариб, 2006-2009 йиллар давомида 3.540.500 сўм мукофот пули олишга ҳамда олган мукофотлари ҳисобидан пенсия жамғармасига 858.900 сўм маблағ ажратилиб, давлат манфаатларига жа-

ми 4.399.400 сўм моддий зарар етказилишига сабабчи бўлганликда ҳам айбланган.

Мазкур қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган ЖКнинг (эски таҳрирдаги) 205-моддасига мувофиқ, ҳокимият ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мансабдор шахснинг ҳаракатини ЖКнинг (эски таҳрирдаги) 205-моддаси биринчи қисми билан малакалаш учун айбдорнинг қасддан мансаб ваколатини суиистеъмол қилишдан иборат қилмиши оқибатида давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши, ЖКнинг (эски таҳрирдаги) 205-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан малакалаш учун давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказган ҳолда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш масъул мансабдор шахс томонидан содир этилиши лозим.

Қонун мазмунига кўра, ЖКнинг 205-моддаси иккинчи қисмидаги зиён ёки зарар миқдори билан боғлиқ ҳолатдан ташқари жиноятни малакаловчи бошқа белгилар билан айбдор деб топиш учун ҳам шахснинг қилмишида шу модданинг биринчи қисмида белгиланган кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишининг мавжуд бўлиши асосий мезон ҳисобланади.

Иш биринчи инстанция судида кўрилган вақтда амалда бўлган Жиноят кодекси талабига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор — кўп миқдор эканлиги белгиланиб, бунда жиноят оқибатида етказилган моддий зарар энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари ва ундан кўпроқ миқдорда бўлиши назарда тутилган.

Б.Қ. томонидан содир этилган жиноят оқибатида етказилган 4.399.400 сўм моддий зарар эса, ҳукм чиқарилган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг (45.215 сўм) 97 бараварига тенг бўлиб, бу кўп миқдорни ташкил этмаган.

Шундай ҳолда, суд ишни кўриш вақтида Б.Қ. томонидан мансаб ваколатини суиис-

теъмол қилиш оқибатида етказилган ҳамда айбловда қайд этилган моддий зарар миқдори жиноят таркибини келтириб чиқармаслиги ҳолатига эътибор қаратмаган бўлса, ишнинг апелляция инстанциясида кўриб чиқилишида биринчи инстанция судининг мазкур хатоси ҳам бартараф этилмасдан қолган.

Бундан ташқари 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ 391-сонли қонун билан Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимига киритилган қўшимча ва ўзгартишларга кўра, мансабдор шахс — доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга

ваколат берилган шахс, худди шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс эканлиги белгиланди.

Ушбу қонун билан Жиноят кодексининг 205-моддаси диспозицияси янги таҳрирда баён этилиб, ушбу моддадан масъул мансабдор шахснинг жиноят содир этганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи квалификация белгиси чиқарилган.

ЖПКнинг 83-моддасида иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, судланувчи айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги белгиланган.

Шунга кўра, судлов ҳайъатининг 2020 йил 19 июндаги ажрими билан Б.Қ.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, унга қўйилган айблов ўз тасдиғини топмагани, жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ва унинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги тўғрисида якуний тўхтамага келинган ҳолда у айбсиз деб топилиб, реабилитация этилган.

ЖСХ-2-108-10/2010-сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2020 йилнинг биринчи ярмида судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Ҳисобот даврида вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанциясида 1989 та, кассация инстанциясида эса, 2597 та фуқаролик иши кўрилган.

Туманлараро (ва вилоят) судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорларининг: - 238 (2019 йилнинг биринчи ярмида 361) таси ёки 0,3 фоизи апелляция инстанциясида;

- кассация инстанциясида 257 (2019 йилнинг биринчи ярмида 520) таси ёки 0,3 фоизи;

- назорат инстанциясида 99 (2019 йилнинг биринчи ярмида 189) таси ёки 0,1 фоиз ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари бекор қилинган.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ҳамда туманлараро судларда биринчи инстанцияда тамомланган ишлардан барча суд инстанцияларида жами 594 таси ёки 0,8 фоиз суд қарорлари бекор қилинган.

Ҳал қилув қарорларининг бекор қилиниши кўрилган ишларга нисбатан олганда, республика кўрсаткичи 0,8 фоиз бўлган ҳолда Сурхондарё вилоятида 1,2 фоиз (56 та), Сирдарё (27 та), Тошкент вилоятларида (75 та), Қорақалпоғистон Республикасида (28 та) ва Тошкент шаҳрида (128 та) 1 фоизни ташкил этган.

Ҳисобот даврида Олий суднинг фуқаро-

лик ишлари бўйича судлов ҳайъатига жами назорат тартибида келиб тушган шикоятлардан 828 таси бўйича ишлар чақиртирилиб, ҳал қилинган.

Ўрганилган 828 та фуқаролик ишининг 371 таси ёки 44,8 фоизи судлов ҳайъатида кўрилган бўлиб, шундан 179 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 27 таси бўйича ўзгартирилган, 165 таси бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

2020 йилнинг биринчи ярмида Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида бекор қилинган жами 179 та ишдан:

- 14 таси янгидан кўриш учун биринчи инстанцияга, 25 таси апелляция ва 29 таси кассация инстанцияларига юборилган;

- 73 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган;

- 27 та иш бўйича апелляция ва кассация инстанцияси ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари кучида қолдирилган;

- 10 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган;

- 1 та иш бўйича даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Таҳлиллардан кўринишича, апелляция, кассация инстанциялари айрим ҳолларда биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоликларни тузатиш ўрнига, мазмунан тўғри бўлган суд қарорининг бекор қилинишига йўл қўйган бўлиб, шундан Хоразм вилоятига — 7 та, Тошкент шаҳрига — 4 та, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига 3 тадан, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларига 2 тадан тўғри келган.

Ҳисобот даврида назорат инстанциясида 99 та иш бўйича биринчи инстанция суди қарорлари бекор қилиниб, шундан 73 таси ёки 73,7 фоизи бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган, 14 таси ёки 14,1 фоизи бўйича тарафлар ишга жалб этилиши лозимлиги сабабли ишлар янгидан кўриш учун юборилган.

Судлов ҳайъатида кўрилган ишлар бўйича қуйи судлар томонидан ишларни кўришда йўл қўйилган қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 3 та хусусий ажрим чиқарилган.

Бекор қилинган суд қарорларининг таҳлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан зарар ундириш, битимлар, уй-жой, ер ва меҳнат билан боғлиқ низолар юзасидан фуқаролик ишларини кўришда моддий ва

процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш натижасида хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

1. Ҳолат ўзгарганда даъвогар алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга қайта муурожаат қилишга ҳақли.

Даъвогар С.Нурматова жавобгар В.Асановга нисбатан судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, унда 2013 йил 30 апрелда туғилган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2020 йил 9 январдаги ҳал қилув қарори билан А.Утегеновнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, жавобгар В.Асановдан даъвогар С.Нурматованинг фойдасига 2019 йил 6 декабрдан бошлаб, 2013 йил 30 апрелда туғилган фарзандининг моддий таъминоти учун жавобгарнинг ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/6 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 25 февралдаги ажрими билан ҳал қилув қарори "Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак"лиги ҳақида ўзгартирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 25 майдаги ажрими билан суд қарорларининг алимент ундиришга оид қисми ўзгартирилиб, алимент миқдори 1/4 қисм этиб белгиланган.

Аниқланишича, тарафлар С.Нурматова ва В.Асанов 2000 йил 24 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган ва биргаликдаги турмушидан уч нафар фарзандли бўлишган.

Тарафлар оилавий келишмовчиликлар сабабли туманлараро судининг 2016 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилган.

Вилоят судининг 2019 йил 2 октябрдаги ҳал қилув қарори билан С.Нурматованинг фойдасига В.Асановдан 2013 йил 30 апрелда туғилган фарзанди моддий таъминоти учун 2019 йил 1 октябрдан бошлаб,

В.Асановнинг иш ҳақи ва барча даромадларининг 1/6 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган.

С.Нурматованинг алимент олишдан воз кечиш ҳақидаги аризаси туманлараро судининг 2019 йил 25 ноябрдаги ажрими билан қабул қилинган ва шу асосида ижро иш юритуви тугатилган.

Аммо ота-она ўртасида вояга етмаган фарзандига таъминот бериш борасида ўзаро келишувга эриша олишмаганлиги боис, даъвогар С.Нурматова судга янгидан ушбу талаб билан муурожаат этган.

Судлар иш ҳолатлари ва Оила кодексининг 96-моддасига биноан, алимент ундириш ҳақида хулосага келган бўлса-да, аммо унинг миқдорини белгилашда юқорида қайд этилган қонуний кучда бўлган вилоят судининг 2019 йил 2 октябрдаги ҳал қилув қарорида алимент 1/6 қисм миқдорида ундириш белгиланганлигини асос қилган.

Олий суд Пленумининг 2016 йил 29 июлдаги "Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 11-сонли қарори 23-бандида ҳолат ўзгарганда, даъвогарнинг алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга қайта муурожаат қилиши истисно этилмаслиги ҳақида судларга тушунтириш берилган.

Бироқ судлар С.Нурматова алимент олишдан воз кечиши билан алимент ундириш ҳақидаги суд қарори ҳуқуқий кучини йўқотганлиги, алимент даврий тўлов бўлганлиги боис, янги талаб билан муурожаат этганлиги ва бунда Оила кодексининг 99-моддасига кўра, алимент бир бола учун 1/4 қисми миқдорида ундирилиши лозимлигини эътиборга олмасдан хатоликка йўл қўйган.

6-715-20-сонли иш

2. Моддий ҳуқуқ нормасининг нотўғри талқин қилинганлиги суд қарорларини бекор қилишга олиб келади.

Даъвогар А.Аброров жавобгар — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 2013 йил 15 январдан 22 августга қадар ва 2019 йил апрель ойидан бошлаб, иш ҳақи ва маънавий зарар ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 9 декабрдаги ҳал қилув қарори билан А.Аброровнинг даъвоси қаноатлантирилиб, унинг фойдасига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидан 50.544.505 сўм иш ҳақи ундириш белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 11 февралдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, даъвогар А.Аброровнинг фойдасига Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасидан 23.298.672 сўм, вилоят Молия бошқармасидан 3.202.700 сўм ундириш белгиланган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 1 июндаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар А.Аброров 2007 йилдан бошлаб, вилоят божхона бошқармасида катта инспектор лавозимида ишлаб келган.

А.Аброровга нисбатан хизмат вазифасини бажариш жараёни билан жиноят иши кўзғатилган.

Шу асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг 2013 йил 15 январдаги буйруғи билан А.Аброров лавозимидан озод этилиб, қўмита ихтиёрига қолдирилган.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2013 йил 2 апрелдаги ҳукми билан А.Аброров Жиноят кодексининг 207-моддаси учинчи қисми "б"-банди билан айбдор деб топилиб, у амнистия акти асосида жазодан озод этилган.

Даъвогар А.Аброров Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг 2013 йил 22 августдаги буйруғи билан 2013 йил 13 апрелдан бошлаб лавозимидан бўшатирилган, буйруқ чиқаришга суднинг айблов ҳукми ва бошқарманинг хулосаси асос бўлган.

Даъвогар А.Аброровга 2013 йил 15 январдан 2013 йил 22 августга қадар бўлган даври учун 3.885.748 сўм тўлаб берилган.

Кейинчалик апелляция инстанциясининг

2018 йил 10 декабрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича туман судининг 2013 йил 2 апрелдаги ҳукми бекор қилиниб, А.Аброровга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган.

Даъвогар А.Аброровнинг реабилитация оқибатларини қўллаш ҳақидаги мурожаати Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 27 декабрдаги хати билан уни ишга тиклаш мақсадга мувофиқ, эмас деб топилган ва унга бу ҳақда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тунтирилган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 14 мартдаги ажрими билан ўзгартирилган жиноят ишлари бўйича туман судининг 2019 йил 4 февралдаги ажрими билан даъвогар А.Аброровнинг аризаси қаноатлантирилиб, у аввалги ёки унга тенглаштирилган лавозимга қайта тикланиши, 2013 йил 13 апрелдан бошлаб, умумий меҳнат стажи тикланиши ва ушбу муддат унинг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланган.

Судларнинг ушбу қарорлари Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 10 июлдаги ажрими билан бекор қилиниб, А.Аброровнинг аризаси иш юритишдан тугатилган.

Туманлараро судининг 2019 йил 3 октябрдаги ҳал қилув қарори билан А.Аброровнинг даъвоси қаноатлантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 январдаги ва 2013 йил 22 августдаги буйруқларининг А.Аброровга тегишли бандлари бекор қилиниб, у аввалги ёки унга тенглаштирилган лавозимга 2013 йил 22 августдан бошлаб ишга қайта тикланиши белгиланган.

Мазкур суд қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 5 декабрдаги буйруғи билан даъвогар А.Аброров божхона органлари хизматида тикланган.

А.Аброровнинг ушбу даъво талаби реабилитация этилган шахс сифатида мулкӣ ҳуқуқни тиклашдан иборат бўлиб, бунга қадар фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 4 июндаги ажрими билан А.Аброровнинг фойдасига вилоят молия бошқармасидан 2013 йил 22 августдан 2019 йил 25 мартга қадар бўлган давр ва 2019 йил февраль-

март ойлари учун жами 201.834.760 сўм иш ҳақи ҳамда 5.000.000 сўм маънавий зарар, жами 209.220.260 сўм ундириш белгиланган.

Судлар ушбу фуқаролик ҳуқуқий муносабатга Жиноят-процессуал кодексининг 302-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 991-моддасини кенгайтирилган ҳолда нотўғри талқин этиб, даъвогар А.Аброровнинг ҳуқуқи реабилитация этилгунга қадар

бўлган даврдаги мулкӣ зарар ва бошқа ҳуқуқлари тикланишини қамраб олиши ҳамда бу давр учун тўловлар суд қарорлари билан тикланганлигини, кейинги муносабат эса, реабилитация этилган шахснинг ҳуқуқларини тиклашни назарда тутмаслигини инобатга олмасдан даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

6-735-20-сонли иш.

3. Судлар даъвогарнинг манфаатига зид равишда унинг арз қилган талаби доирасидан четга чиққанлиги суд ҳужжатларини бекор қилишга асос бўлади.

Даъвогар Д.Рўзиева жавобгар Б.Рўзиевга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, уй-жойдан ҳисса ажратиб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 23 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, уй-жой Д.Рўзиева ва Б.Рўзиевнинг умумий мулки деб топилган, Д.Рўзиевадан Б.Рўзиевнинг фойдасига ушбу уйдаги улуши ҳисобига 43.030.660 сўм ундириш, уй-жойни Д.Рўзиевнинг эгалигида қолдириш белгиланган.

Кассация инстанциясининг 2019 йил 25 декабрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори даъвогар Д.Рўзиева томонидан уйнинг компенсация суммаси жавобгар Б.Рўзиевга тўлаб берилганидан сўнг жавобгарнинг ушбу уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи тугатилиши ҳақидаги жумла билан тўлдирилиб, суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 13 майдаги ажрими билан суд қарорларининг улушни пул шаклида ажратиш, компенсация пули ундириш ва жавобгарнинг улушини тугатиш ҳақидаги қисмлари бекор қилиниб, Д.Рўзиева ва Б.Рўзиевнинг низоли уй-жойда ҳар бирининг улуши 1/2 қисмдан иборат деб белгиланиб, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзга-

ришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Б.Рўзиев ва Д.Рўзиева 2013 йил 20 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган ва ушбу турмушдан бир нафар фарзандли бўлишган.

Тарафларнинг никоҳлари давомида жавобгар Б.Рўзиевнинг номига 2018 йил 19 июндаги нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан, низоли уй-жой олинган.

Улар ўзаро келишмовчилик боис, туманлараро судининг 2019 йил 5 январдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилган.

Экспертиза хулосасига кўра, низоли уй-жойни 1/2 қисмга тенг ёки чекинган ҳолда бўлиш имконияти мавжуд эмас.

Жавобгар Б.Рўзиев судда улушини пул шаклида ажратиб, уй-жойни ўзининг эгалигида қолдириш ҳақида қарши даъво аризаси билан мурожаат қилмаган.

Судлар низоли уй-жойни тарафларнинг умумий мулки деб топиш асосида қонуний тўхтамга келиш билан бирга даъвогар улушини пул шаклида ажратиб, уй-жойни ўзининг эгалигида қолдириш ҳақидаги талабни илгари сурмаган бўлса-да, даъво талабидан четга чиқиб, процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилишига йўл қўйган.

6-604-20-сонли иш.

4. Ота-онага бериладиган таъминот миқдорини белгилашда қуйи судлар томонидан моддий ҳуқуқ нормасининг нотўғри қўлланилганлиги юқори инстанцияда қонунга мувофиқлаштирилди.

Даъвогар Д.Гадоева жавобгар Т.Гадоевга нисбатан алимент ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Кассация инстанциясининг 2019 йил августдаги ажрими билан ўзгаришсиз

қолдирилган туман судининг 2019 йил июндаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгар Т.Гадоевдан даъвогар Д.Гадоевнинг фойдасига 2019 йил 21 майдан бошлаб, жами даромадининг 1/4 қисми

миқдорида алимент, давлат фойдасига эса, давлат божи ундириш белгиланган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 1 июндаги ажрими билан суд қарорларининг алимент ундиришга оид қисми ўзгартирилиб, алимент миқдори ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 15 фоизи деб белгиланиб, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, 1987 йил 21 сентябрда туғилган Т.Гадоевнинг онаси даъвогар Д.Гадоева ҳисобланади.

Т.Гадоев онаси Д.Гадоевага моддий ёрдам кўрсатаётганлиги сабабли, у алимент ундириш тўғрисида судга му-

рожаат қилган.

Д.Гадоева қизлари унга моддий ёрдам кўрсатаётганлиги, шунингдек, уларнинг уйида яшаётганлиги сабабли алиментни фақат ўғли Т.Гадоевдан ундиришни сўраган.

Оила кодексининг 110-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ундирилаётган алимент миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 11,75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Судлар алимент ундириш ҳақида тўғри хулосага келган бўлса-да, аммо унинг миқдорини белгилашда моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган.

6-723-20-сонли иш

5. Вояга етмаган болаларнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда биринчи инстанция судининг қарори ўз кучида қолдирилди.

Даъвогар Н.Низомов жавобгарлар А.Шарипов ва Ш.Шариповага нисбатан икки нафар фарзандларини ўз тарбиясига олиб бериш ҳақида даъво аризаси билан судга муурожаат қилган.

Туманлараро судининг 2019 йил ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2020 йил январдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъво талаби қаноатлантирилган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 2 июндаги ажрими билан кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Н.Низомов Ч.Шарипова билан 2014 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган ва бундан икки нафар, яъни 2016 йилда туғилган қиз ва 2017 йилда туғилган ўғил фарзандли бўлишган.

Ўзаро муносабатлари бузилиб, тарафлар 2017 йилдан буён алоҳида яшаб келишган. Бу вақт давомида Ч.Шарипова фарзандлари билан ота-онасининг уйида яшаб келган. Иккинчи фарзанди ота-онасининг уйида яшаб турган вақтида туғилган.

Давлат ижрочисининг 2019 йил 16 ноябрдаги хатига кўра, Н.Низомовнинг алимент тўловидан 9.000.000 сўм қарздорлиги мавжуд.

Ч.Шарипова 2019 йил майда касаллик туфайли вафот этган.

Н.Низомов ва Ч.Шарипованинг икки нафар фарзандлари жавобгарларнинг тарбиясида қолган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 23-сонли қарори 5-бандида тушунтирилишича, Оила кодексининг 73-моддасига мувофиқ, ота-оналар бошқа шахслар олдида болаларини шахсан тарбия қилишда устун ҳуқуққа эгадирлар ва болаларини қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Бу талабни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Шу боисдан, биринчи инстанция суди Ч.Шарипова иккинчи фарзандига икки ойлик ҳомиладор бўлганида ота-онасининг уйига келиб, шундан сўнг келин бўлиб тушган уйига умуман қайтиб бормаганлигини, иккинчи фарзанди отасини танимаслигини, даъвогар фарзандларининг тарбияси ва таъминотида қатнашмаганлигини инобатга олиб, қонуний, асосли ва адолатли хулосага келган бўлса-да, кассация инстанцияси даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-721-20-сонли иш

6. Суд ҳужжатининг қайтарма ижросини таъминлаш асослари қатъий бўлиб, уларни кенгайтирилган ҳолда талқин этишга йўл қўйилмайди.

Даъвогар Э.Ашуров жавобгарлар — Мажбурий ижро бюроси билан "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти филиалига нисбатан моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Туманлараро судининг 2019 йил 8 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгар "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятининг филиалидан даъвогарнинг фойдасига моддий зарар ва суд харажатларини ундириш белгиланган.

Даъво талабининг Мажбурий ижро бюросига нисбатан моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳамда "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти филиалига нисбатан маънавий зарар ундириш қисмлари рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2019 йил 3 октябрдаги ажрими билан суд қарори қисман бекор қилиниб, бекор қилинган қисми бўйича даъвогарнинг моддий зарар ундириш ҳақидаги даъво талаби бўйича иш юритиш тугатилган.

Даъвогарга суд ҳужжатининг қайтарма ижро тўғрисида биринчи инстанция судига ариза бериш ҳуқуқи тушунтирилган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 29 июндаги ажрими билан кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, туманлараро судининг 2011 йилдаги суд буйруғи билан ундирувчи "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти филиали фойдасига Э.Ашуровдан 2.489.392 сўм қарздорлик ундириш белгиланган.

Туманлараро судининг 2015 йил 5 мартдаги ажрими билан ушбу суд буйруғи бекор қилинган.

Шунингдек, туманлараро судининг 2012 йилдаги суд буйруғи билан ундирувчи "Ўз-

трансгаз" акциядорлик жамияти филиали фойдасига Э.Ашуровдан 3.205.454 сўм қарздорлик ундириш белгиланган.

Мазкур суд буйруғи ҳам туманлараро судининг 2017 йил 25 октябрдаги ажрими билан бекор қилинган.

Шундан сўнг ундирувчи томонидан қарздорликни ундириш масаласида судга мурожаат қилинмаган.

Юқоридаги суд буйруқлари бекор қилинганга қадар Мажбурий ижро бюроси томонидан даъвогарнинг уйдаги мол-мулклар хатланиб, савдога қўйилган ва сотувдан тушган пуллар "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти филиалига ўтказиб берилган.

Бундан ташқари даъвогарнинг пенсиясидан маблағлари ушлаб қолиниб, "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти филиали ҳисобига ўтказиб берилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 458, 459-моддаларига кўра, ижро этилган суд ҳужжати бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқилганидан кейин талабларни қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган ёхуд иш юритишни тугатиш ёки аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирдагина, қайтарма ижро масаласи ҳал этилиши белгиланган.

Шу боисдан, биринчи инстанция суди Э.Ашуровдан газ таъминоти учун қарздорликни ундириш тўғрисидаги суд буйруқлари бекор қилинганидан сўнг мазкур фуқаролик иши кўрилгунига қадар ундирувчи томонидан қарздорликни ундириш масаласида судга мурожаат қилмаганлиги ва бу талаб судда кўрилмаганлигини эътиборга олиб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида қонуний ва асосли тўхтама келган бўлса-да, кассация инстанцияси даъвонинг моддий зарар ундириш ҳақидаги қисмини иш юритишдан тугатиш тўғрисида нотўғри хулосага келган.

6-749-20-сонли иш

7. Даъвогар келтирган важлар исботланмагани ҳамда моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилгани учун биринчи инстанция судининг ишга тиклашни рад этиш ҳақидаги қарори кучида қолдирилди.

Даъвогар М.Тошматов жавобгар — "Агробанк"нинг туман филиалига нисбатан ишга тиклаш ҳақидаги даъво билан судга

мурожаат қилган.

Туманлараро судининг 2019 йил ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад

қилинган.

Кассация инстанциясининг 2020 йил февралдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 10 июндаги ажрими билан кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар М.Тошматов "Агробанк"нинг туман филиали бошқарувчиси ўринбосари — офис бошлиғи лавозимида ишлаб келган.

М.Тошматовнинг аризасига мувофиқ "Агробанк"нинг туман филиали бошқарувчиси буйруғига кўра, у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 97-моддаси 1-бандига асосан бекор қилинган.

Даъвогар М.Тошматов талабининг асоси сифатида банкнинг вилоят бошқармаси томонидан унга тазйиқ ва босим ўтказилиб, ариза ёздириб олинганини кўрсатган.

"Банк" бошқарувининг қарори билан тасдиқланган "Тизимида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш тўғрисида"ги Низом талабига кўра, "Банк" филиали офис бошлиғи лавозими билан меҳнат шартномаси филиал бошқарувчиси билан тузилади ва бекор қилинади.

Биринчи инстанция суди даъвогар М.Тошматовнинг аризани тазйиқ ва босим ўтказилганлиги оқибатида ёзганлиги ҳақидаги важи исботланмаганлиги, ушбу ҳолатни исботлаш даъвогарга юклатилганлиги, унга босим ўтказилганлиги ўз тасдиғини топмаганлиги, бу эса, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида келишув кучда қолган деб ҳисоблашга асос бўлишини, мажбурлашнинг мавжудлигига оид далиллар бўлмаган ҳолда буйруқни ғайриқонуний деб топиш мумкин эмаслигини эътиборга олиб, даъвони рад қилиш ҳақида қонуний ва асосли тўхтамга келган бўлса-да, кассация инстанцияси даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-754-20-сонли иш.

8. Ваколатсиз шахснинг қарз ундириш тўғрисидаги даъвоси қаноатлантирилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Даъвогар А.Арипова жавобгар Т.Зариповга нисбатан турмуш ўртоғи Б.Ариповдан олган қарз суммасини ундириб бериш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 19 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 4 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, жавобгар Т.Зариповдан даъвогар А.Арипованинг фойдасига 85.023.000 сўм қарз суммаси ва 3.329.120 сўм суд харажатлари учун тўланган пул ундириш белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 26 майдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, Т.Зарипов ва Б.Арипов ўзаро оғзаки келишув асосида товар олди-сотдиси билан шуғулланиб, Т.Зарипов Б.

Ариповдан дастлаб 5.000 АҚШ доллари, кейин 4.000 АҚШ доллари, жами 9.000 АҚШ доллари миқдоридан пул олган.

Судлар Оила кодексининг 23-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 228-моддасини қўллаб, Т.Зариповнинг Б.Ариповдан қарз олганлиги ва қайтаришини билдириб, ички ишлар органига ёзган тушунтириш хати, Т.Зариповнинг бошқа кўрсатмалари, учинчи шахс ҳамда гувоҳларнинг тушунтиришлари билан асослаб, даъвони қаноатлантирган.

Бироқ судлар Ариповлар эр-хотин бўлса-да, пул олди-бердиси ҳақидаги келишув Т.Зарипов ва Б.Арипов ўртасида бўлганлиги, А.Арипова унда иштирок этмаганлиги, Б.Арипов хотинига ишончнома бермаганлиги боис, А.Арипова мазкур талаб билан арз қилишга дахлдор даъвогар бўла олмаслигини инобатга олмасдан, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-548-20-сонли иш.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йилнинг биринчи ярмидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари назорат тартибида қайта кўрилган.

2020 йилнинг биринчи ярми давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги назорат шикоятлари сони 146 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 750 та назорат шикояти (протести) келиб тушган.

Улардан: 208 та шикоят қайтарилган, 82 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 193 та шикоят бўйича уларни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, шундан 15 та ажрим бекор қилинган, 258 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

301 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан: 118 таси бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 35 та суд қарори ўзгартирилган, 147 та суд қарори эса, бекор қилинган.

Жумладан, 38 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 68 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 26 таси бўйича

аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 2 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 13 таси бўйича иш юритиш тугатилган, 111 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 8 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 7 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (5 та қонун ва 2 та қонуности ҳужжатлари), 2 та Олий суд Пленуми қарорларининг лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида иштирок этилган. Суд амалиёти юзасидан 3 та умумлаштириш ва 2 та обзор ўтказилиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Шунингдек, Навоий вилояти иқтисодий судларининг одил судловни амалга ошириш бўйича 2018-2019 йиллардаги фаолияти амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганилиб, натижалари Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Иқтисодий судга иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек, корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир.

Иқтисодий процессуал кодексида ишга қўшимча даъвогарни жалб қилиш, даъвогарни алмаштириш назарда тутилмаган.

"Н" қўриқлаш бошқармаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) "Ўзбектелеком" акциядорлик жамияти вилоят филиали тасарруфидаги телекоммуникация боғланмаларининг автомат телефон станцияси биноларидан фойдаланганлиги учун ижара ҳақи ва фойдаланилган электр энергияси ҳақини "Ўзбектелеком" акциядорлик жамияти вилоят филиалига тўлаши лозимлиги ҳақидаги асос билан Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси мазкур филиал манфаатида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 45 232 838 сўм ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан "Ўзбектелеком" акциядорлик жамияти даъвогар сифатида, вилоят молия ва ғазначилик бошқармалари эса, низонинг предметиға мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан "Ўзбектелеком" акциядорлик жамияти фойдасига 26 367 082 сўм фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган. "Ўзбектелеком" акциядорлик жамияти вилоят филиалига нисбатан иш юритиш тугатилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорлари устидан берилган назорат протестида иқтисодий судлар юридик шахслар ўртасидаги низоларни кўриши, Фуқаролик кодексининг 47-моддаси учинчи қисмига кўра, филиал юридик шахс ҳисобланмаслиги, Иқтисодий процессуал кодексида ишга бошқа даъвогарни жалб қилиш назарда тутилмаган бўлса-да, биринчи инстанция суди "Ўзбектелеком" акциядорлик жамиятини даъвогар сифатида ишга жалб қилганлиги, кассация инстанцияси суди ишни кўриш билан боғлиқ давлат божини ҳам нотўғри ундирганлиги баён қилинган ва суд қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатиш сўралган.

Иш ҳужжатларига кўра, Савдо-саноат па-

латасининг вилоят ҳудудий бошқармаси даъво аризасида даъвогар сифатида "Ўзбектелеком" акциядорлик жамияти вилоят филиали кўрсатилиб, жавобгардан 45 232 838 сўмни ушбу филиал фойдасига ундириш сўралган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, иқтисодий судга иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек, корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир.

Фуқаролик кодексининг 47-моддаси учинчи қисмида, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмаслиги, улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланишлари ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб боришлари, ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланиши ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб бориши белгиланган.

Иқтисодий процессуал кодексида ишга қўшимча даъвогарни жалб қилиш, даъвогарни алмаштириш мумкинлиги назарда тутилган бўлмаса-да, биринчи инстанция суди ажрим билан "Ўзбектелеком" акциядорлик жамиятини ишга даъвогар сифатида жалб қилган. Бу билан процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилишига йўл қўйилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддаси 1-бандида иш судга тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг "Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори 10-банди учинчи хатбо-

шисида юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) юридик шахс мақомига эга эмаслиги ва ишончнома асосида юридик шахснинг номидан ҳаракат қилишни назарда тутиш кераклиги, агар юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёхуд унинг ҳудудий бошқармаси аъзоси бўлган бўлса, алоҳида бўлинма эмас, балки унинг юридик шахси палата аъзоси ҳисобланишини, шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан киритиладиган даъво аризасида даъвогар сифатида юридик шахс кўрсатилиши шартлиги, ушбу талабга риоя қилмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 154-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан, даъво аризасини қабул қилишни рад этишга асос бўлиши, агар бу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилингани-

2. Билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

"А" масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) фаолияти йил якуни бўйича давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари, солиқ органлари ахборотлар базасидаги ҳамда ташқи манба маълумотлари асосида ўрганилиб, камерал назоратдан ўтказилган.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларида бир қатор тафовут ва хатоликлар мавжудлиги ҳақида хулосага келиниб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланмасдан қолганлиги юзасидан тузатилган қайта ҳисобот тақдим қилиш тўғрисида вилоят давлат солиқ бошқармаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) томонидан жавобгарга талабнома юборилган. Талабномага жавобгар томонидан жавоб берилган.

Жавобгар томонидан тақдим қилинган асосларнинг ишончилигини аниқлаш мақсадида, вилоят давлат солиқ бошқармасининг буйруғига асосан, жавобгарда ўтказилган мавзули экспресс-ўрганиш натижалари юзасидан жавобгарга ҳисобот йили ягона солиқ тўлови учун 2 681 300 сўм, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига 32 752 500 сўм, дивиденд солиғига 417 000 сўм ва кейинги йил иккинчи чораги учун қўшилган қиймат солиғи учун 460 802 300 сўм, жами 496 473 100 сўм бюджетга қўшимча тўлов ҳисоблаш тавсия қилинган.

дан кейин аниқланса, Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан, иш юритиш тугатилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Қайд этилганлардан кўринадики, биринчи инстанция суди, процессуал ҳуқуқ нормасини бузган ҳолда, "Ўзбектелеком" акциядорлик жамиятини ишга даъвогар сифатида жалб қилган. Кассация инстанцияси суди ҳам Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг кассация шикоятини кўришда ушбу ҳолатларга эътибор бермаган ва ҳал қилув қарорини кучида қолдирган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати назорат протестини қаноатлантиришни, иш юзасидан қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ҳамда кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилишни, иш юритишни тугатишни лозим топган.

4-1501-1903/2939-сонли иш

Жавобгар томонидан солиқ тўловлари амалга оширилмаганлиги сабабли, даъвогар жавобгарга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, мавзуга оид ва экспресс-ўрганишлар натижасида аниқланган ҳолатлар юзасидан жамият томонидан ҳисоботлар тақдим қилинишини ва жавобгардан ягона солиқ тўлови учун 2 681 300 сўм, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига (1 724 000+30 848 500)=32 572 500 сўм, дивиденд тарзида олинган даромад бўйича 417 000 сўм ҳамда қўшилган қиймат солиғи учун 460 802 300 сўм, жами 496 473 100 сўм қўшимча ҳисобланган солиқ суммасини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан жами 9 055 290 сўм солиқ қарзи ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилган. Ҳал қилув қарорининг "Жавобгар ҳисобидан 9 055 290 сўм солиқ қарзи ундирилсин" қисми "Жавобгар "А" ҳисобидан 10 900 740 сўм солиқ қарзи ундирилсин" деб, ўзгартирилган.

Иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларига нисбатан даъвогарнинг назорат шикоятида жавобгар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ўрганилганда, тафовут ва хатоликлар аниқланганлиги, жавобгар ҳисобот йил якуни бўйича ягона солиқ тўлови ҳисо-

ботини 177 765 449 сўмга тақдим қилганлиги, кейинчалик 2 681 300 сўм миқдориди камайтириб, қайта ҳисоботлар тақдим қилганлиги, камайтирилган суммага қайта ҳисобот тақдим қилмаганлиги, шунингдек, жамият томонидан 15 нафар жисмоний шахслардан кафиллик шартномасига асосан, кредит тўловига 7 662 000 сўм ўтказилганлиги, ҳисобот йили давомида жамиятнинг улгуржи савдо фаолияти ва зарурий харажатлари учун корпоратив пластик карталари орқали жами 1 661 060 100 сўм пул маблағлари бошқа ташкилот ва корхоналарга ўтказилган бўлиб, шундан савдо фаолияти ва жамият харажатлари учун жами 1 523 955 700 сўмлик товар-моддий бойликлар олинганлиги, қолган 137 104 400 сўмлик маблағларнинг ҳужжатлари ўрганишга тақдим этилмаганлиги сабабли, ушбу маблағ жамият раҳбарининг шахсий эҳтиёжларига ишлатилганлиги учун эски таҳрирдаги Солиқ кодексининг 177-моддасига асосан, унинг моддий наф тарзидаги даромади сифатида эътироф этилиб, бюджетга 30 848 500 сўм (137 104 400 x 22,5%) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланганлиги, судлар томонидан ушбу талаб ҳам асосиз рад этилганлиги, жамиятга кейинги йил 2-чораги учун 460 802 300 сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш масаласи судда кўрилганда, жамиятнинг баённомасига асосан, 2 703 671 500 сўмлик, шундан жамият таъсисчилари "Б"га 115 000 000 сўмлик ва "М"га 2 588 671 500 сўмлик товар-моддий бойликлар уларнинг устав фонди ҳисобидан чиқим қилинганлиги, Солиқ кодексининг 209-моддаси биринчи қисми 7-бандида юридик шахсларнинг устав фондидаги улушларни реализация қилиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига кириши белгиланганлиги, суд томонидан ушбу модда асосида ҳисобланган солиқ суммасини ундириш ҳақидаги талабни қаноатлантириш асосиз рад этилганлиги кўрсатилиб, суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилиш сўралган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 153-моддаси биринчи қисмига кўра, судья, мазкур кодексда назарда тутилган талабларга риоя этган ҳолда, берилган даъво аризасини иш юритишга қабул қилиши ва иш қўзғатиши шарт.

Аниқланишича, даъвогарнинг жавобгарга нисбатан судга берган даъво аризасида мавзуга оид ва экспресс-ўрганишлар натижасида аниқланган ҳолатлар юзасидан жамият то-

монидан ҳисоботлар тақдим қилиш ва жавобгардан 496 473 100 сўм қўшимча ҳисобланган солиқ тўловини ундириш сўралган.

Биринчи инстанция суди томонидан даъвогарнинг даъво аризасида билдирган фақатгина битта, яъни жавобгардан 496 473 100 сўм қўшимча ҳисобланган солиқ тўловини ундириш ҳақидаги талаби иш юритишга қабул қилинган. Даъво аризасида билдирилган биринчи, яъни мавзуга оид ва экспресс-ўрганишлар натижасида аниқланган ҳолатлар юзасидан жамият томонидан ҳисобот тақдим қилиниши ҳақидаги талаб иш юритишга қабул қилинмаган.

Ушбу талаб бўйича қарор ҳам қабул қилинмаган. Ваҳоланки, Иқтисодий процессуал кодексининг 179-моддаси олтинчи қисмида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида билдирилган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ҳақидаги ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши кераклиги белгиланган.

Қайд этилган ҳолатлар процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилиши ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси суди ҳам ушбу ҳолатга, яъни даъво аризасида билдирилган талаб биринчи инстанция суди томонидан иш юритишга қабул қилинмаганлиги ва ушбу талаб бўйича қарор ҳам қабул қилинмаганлигига эътибор бермаган ва ҳал қилув қарорини ўзгартиш билан чекланиб қолган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 322-моддаси биринчи қисмига биноан, суд ҳужжати-нинг ноқонунийлиги ёки асосизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Иқтисодий процессуал кодексининг 321-моддаси 2-бандига кўра, суд ишни назорат тартибида кўриб чиққанда, мазкур кодекснинг 302-моддаси тўртинчи қисми 4 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

Иқтисодий процессуал кодексининг 302-моддаси тўртинчи қисми 7-бандида билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлиши белгиланган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни эса, янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-2203-1902/2163-сонли иш

II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Солиқ тўловчи муқаддам ҳудди шу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун молиявий санкция қўлланилган ва такроран ҳудди шундай ҳуқуқбузарликни содир этган бўлса, шунингдек, унинг суд мажлисига келмагани ва жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни исботловчи далиллар судга тақдим этилмаганлиги, биринчи инстанция суди бундай ҳолатларга баҳо бермасдан, молиявий санкция миқдорини камайтириш тўғрисида асослантирилмаган қарор қабул қилганлиги ушбу суд ҳужжатини бекор қилишга асос бўлади.

Давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда ДСИ деб юритилади) "Д" бозори масъулияти чекланган жамиятига нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси учинчи қисмига асосан, 8790 сўм ва 119-моддаси иккинчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 100 баравари — 14 977 500 сўм миқдоридан молиявий санкция қўллаш тўғрисидаги аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, жавобгарга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси учинчи қисмига асосан, мазкур кодекснинг 112-моддаси тўртинчи қисмини қўллаган ҳолда 8790 сўм, Солиқ кодексининг 119-моддаси иккинчи қисмига асосан, ушбу кодекснинг 112-моддаси тўртинчи қисмини қўллаган ҳолда 5 500 000 сўм молиявий санкция тайинланиб, Солиқ кодексининг 108-моддаси саккизинчи қисмига асосан, тайинланган санкцияларни тўлиқ қўшиш орқали жавобгарга нисбатан узил-кесил 5 508 790 сўм молиявий санкция қўлланилган.

Вилоят иқтисодий судининг ажрими билан кассация протестини иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Назорат протестида суд жавобгар муқаддам ҳудди шу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун ДСИнинг қарори билан унга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси учинчи қисми ва 119-моддаси иккинчи қисмига асосан, 11 233 905 сўм молиявий санкция қўлланилиб, шундан 9 771 700 сўми тўланганлигига ҳуқуқий баҳо бермасдан, молиявий санкция миқдорини асоссиз равишда камайтирганлиги, шунингдек, жавобгарнинг суд мажлисига келмагани ва жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни исботловчи далиллар судга тақдим этилмаганлиги, бироқ биринчи инстанция суди мазкур ҳолатга баҳо бермасдан, асоссиз хулосага келганлиги баён қилинган ва суд ҳужжатини бекор қилиб, даъво талабини қисман қаноатлантириш сўралган.

Аниқланишича, бозорлар ва савдо комп-

лекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси вилоят бўлимининг буйруқларига асосан, жавобгарга қарашли марказий деҳқон бозори ва 10-кичик туман деҳқон бозорлари ҳудудларида жойлашган автотураргоҳларида солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текшириш натижалари юзасидан далолатнома тузилиб, қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган. Текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар жавобгар вакилига имзолантилиб, топширилган ва унга қонунда белгиланган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилган.

Текширишда жавобгар вакили томонидан харидорга амалга оширган хариди учун 48000 сўмга харид чеки бермаганлиги, назорат-касса машинасига кирим қилинмаган жами 43950 сўмлик кунлик савдодан тушган пуллар мавжудлиги аниқланган.

Текшириш жараёнида аниқланган солиққа оид қонунбузарликлар текшириш далолатномаси ва унинг иловалари билан тўлиқ ўз исботини топган ва текшириш материаллари имзоланган.

Текшириш натижалари давлат солиқ инспекцияси томонидан кўриб чиқилиб, солиққа оид қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарор билан жавобгарга Солиқ кодексининг 114-моддаси учинчи қисмига асосан, 8790 сўм, 119-моддаси иккинчи қисмига асосан, 14 977 500 сўм молиявий санкция қўлланилган.

Қўлланилган молиявий санкциянинг 30 кун муддат ичида тўланиши белгиланиб, қарор нухаси жавобгарга топширилган. Қарорда кўрсатилган муддат мобайнида жавобгар томонидан белгиланган молиявий санкция ихтиёрий тартибда тўлаб берилмаганлиги сабабли аризачи судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди томонидан арз қилинган талаб қаноатлантирилиб, жавобгарга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси учинчи қисми ва 119-моддаси иккинчи қисмига асосан, мазкур кодекснинг 112-моддаси тўртинчи қисмини қўллаган ҳолда, мо-

лиявий санкция тайинлианиб, Солиқ кодексининг 108-моддаси саккизинчи қисмига асосан, тайинланган санкцияларни тўлиқ қўшиш орқали жавобгарга нисбатан узил-кесил молиявий санкция жорий этилган ҳолда, моддий ҳуқуқ нормаси нотўғри қўлланилган. Яъни суд жавобгарнинг муқаддам худди шу турдаги ҳуқуқбузарликни содир этганлигига, шунинг учун ДСИнинг қарори билан унга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси ва 119-моддаси иккинчи қисмига асосан, 11 233 905 сўм молиявий санкция қўлланилиб, шундан 9 711 700 сўми тўлаб берилганлигига ҳуқуқий баҳо бермасдан, молиявий санкция миқдорини асоссиз камайтирган.

Шунингдек, протестда қайд этилганидек, мазкур ҳолатда суд жавобгарнинг суд мажлисига келмаганлигига ва жавобгарликни енгиллаштирувчи, яъни оғир шахсий ёки оилавий шароитлар кечиши оқибатида, шунингдек, таҳдид ёки мажбурлаш таъсирида ёхуд моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли, ҳуқуқбузарлик содир этганлигини исботловчи далилларни тақдим этмаганлигига баҳо бермаган.

Суд ҳужжатини қабул қилиш пайтида амалда бўлган Солиқ кодексининг 114-моддаси учинчи қисмига кўра, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) — товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдоридида санкция қўллашга сабаб бўлади.

Суд ҳужжатини қабул қилиш пайтида амалда бўлган Солиқ кодексининг 119-моддаси биринчи қисмига асосан, фискал хотирани назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек, сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирил-

ган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик — энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда санкция қўллашга сабаб бўлади.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганига бир йилдан ортки вақт ўтганлиги, иш апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилмаганлиги сабабли, Иқтисодий процессуал кодекси талабига кўра, назорат протести иш юритишга нотўғри қабул қилинганлиги ҳақидаги вазларини асоссиз деб ҳисоблайди. Чунки Иқтисодий процессуал кодекси 2018 йил 1 апрелдан эътиборан кучга кирган. Яъни ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайтда (2018 йил 7 февраль) Хўжалик процессуал кодекси амалда бўлган. Ушбу кодексда эса, назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза бериш муддати ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил деб белгиланган (ХПКнинг 1921-моддаси тўртинчи қисми). Бундан ташқари Хўжалик процессуал кодексида назорат тартибида протест келтириш учун иш апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилган бўлиши шартлиги белгиланмаган.

Жавобгар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик иш ҳужжатлари билан тўлиқ тасдиқланганлиги сабабли, судлов ҳайъати ДСИнинг талабини асосли деб ҳисоблаб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш, ариза талабини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

4-2101-1801/304-сонли иш.

2. Агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек, кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг (бундан буён матнда палата деб юритилади) АТ банкининг (бундан буён мат-

нда банк ёки даъвогар деб юритилади) манфаатида жавобгар "Х" масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда жавоб-

гар деб юритилади) 10 926 198 018 сўм ва 304769,64 евро ундириш тўғрисидаги даъво аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, жавобгардан банк фойдасига қопланмаган комиссиялар 179845,26 евро, ижрочи банк томонидан савдони молиялаштирилиш узайтирилмаганлиги учун 78400 евро, аккредитивга хизмат кўрсатилгани учун унинг валютада қопланмаган қисмига ҳисобланган, бироқ сўндирилмаган 816 294 198,38 сўм, савдони молиялаштирилиш муддати узайтирилганлиги учун ундирилмаган комиссия — 450000 сўм, чет эл валютасини сотиб олиш учун банкдаги ҳисоб-варақ ўз вақтида тўлдирилмаганлиги учун қўшимча миллий валютада захира қилиниши лозим бўлган 7 444 437 006 сўм, шартнома талабларини бажармаганлиги учун ҳисобланган пеня 46524,38 евро, 2 665 016 813,62 сўм, жами 304769,64 евро ва 10 926 198 018 сўм қарздорлик ҳамда 17840 сўм почта харажатлари ундирилган.

Фуқаролик кодексининг 8 ва 234-моддаларига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари кафиллик ва ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш шартномасидан келиб чиққан.

Фуқаролик кодексининг 796-моддаси биринчи қисмига кўра, аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганда мижознинг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ, аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, банк ва жавобгар ўртасида аккредитивлар бўйича ҳисоб-кафолат хизматини кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузилган.

Ушбу 1-сонли шартномага асосан, банк ўз зиммасига олди-сотди шартномаси бўйича 904150 еврога ҳамда 2-сонли шартномага асосан, олди-сотди шартномаси бўйича 176000 еврога 180 кунлик муддатга аккредитив очиш мажбуриятини олган, бунда банкнинг аккредитив бўйича барча харажатларини қоплашни жавобгар ўз зиммасига олишга келишилган.

Мазкур шартномаларга мувофиқ жавобгарнинг аризаларига асосан, банк томонидан ижрочи RBI AG (Хорижий давлат) банкининг савдони молиялаштирилиш (пост-финансирование) тақдим қилинган ҳолда 904150 еврога ҳамда 176000 еврога қопланмаган аккредитив очилган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномаларнинг 3.2.1-бандига асосан, жавобгар ўз зиммасига ҳар ой якунида банк бош офисидаги ҳисобварақни Ўзбекистон Республикаси валюта биржасидаги чет эл валютаси курсидан келиб чиқиб, тўлдириш ҳамда чет эл валютасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мажбуриятини олган.

Жавобгар томонидан ушбу шартномаларга асосан, чет эл валютасида очилган аккредитивларни қоплаш мақсадида, ушбу миқдорлардаги чет эл валютаси (евро)ни Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сотиб олиш учун буюртманом тақдим қилинган бўлиб, 2019 йил 15 апрель ҳолатига мижознинг даъвогар банк бош офисида очилган блок ҳисобварағидаги маблағи 2 923 922 844 сўмни ташкил қилган.

Биринчи инстанция суди Фуқаролик кодексининг 333, 335-моддаларига асосланган ҳолда, яъни мижознинг блок ҳисобварағида мавжуд бўлган 2 923 922 844 сўм пул маблағи 1 080 150 еврога ўз вақтида шакллантириш учун етарли эканлиги, бироқ банкнинг ҳаракатсизлиги туфайли маблағ еврога конвертация қилинмаганлиги, мазкур ҳолатлар Марказий банк Эксперт кенгашининг ҳулосаси билан тасдиқланганлигига асосланиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида иш ҳолатларига мувофиқ асосли ҳулосага келган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Эксперт кенгашининг ҳулосасига кўра, АТ банк томонидан 2015 йил 1 апрелдан 2017 йил 4 сентябрга қадар, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида савдо сессияларида сўм пул маблағларини еврога конвертация қилиш учун 1212 дона, жами 188 954 743,39 еврога тенг буюртманом тақдим этилган. Шундан 136 534 366,8 евро миқдоридаги қисми биржа савдоларида қаноатлантирилган.

Банк томонидан тақдим этилган 52 420 376,59 евро миқдоридаги 164 та буюртманомалар конвертация қилинмаган. Шундан 11 022 068,96 евро миқдоридаги 85 та буюртманом мижознинг аризасига асосан, қайтарилган бўлиб, 39 158 585,79 евро миқдоридаги 76 та буюртманом 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб, 2018 йил 1 майга қадар

валюта биржа савдо сессияларида фақатгина АҚШ доллариди буюртманомалар қабул қилинганлиги сабабли қайтарилган.

Шунингдек, 2017 йил 5 сентябрдан валюта курсларини эркинлаштириш натижасида хорижий валюта курслари ошганлиги ва буюртмада кўрсатиб ўтилган хорижий валютани сотиб олиш учун сўм маблағлари етарли бўлмаган мижозларнинг 2 239 721,84 евро миқдоридаги 3 та буюртманомалари биржа савдоларига қўйилмаган.

Марказий банк Эксперт кенгашининг хулосасига кўра, банклараро савдо сессиясига банк бошқаруви томонидан имзоланган маълумотда хорижий валютанинг жами пул маблағлари ва улардан фойдаланиш мақсадлари кўрсатилади, яъни мижоз сифатида тижорат банки валюта сотиб олишда ўз номидан иштирок этади.

Даъвогар томонидан тақдим этилган ҳужжатларга кўра, банк буюртманомалар билан биржа савдоларида қатнашган. АТ банк томонидан мижоз сифатида 2015 йил 1 апрелдан 2017 йил 4 сентябрга қадар 136 534 366,8 евро валюта биржасида конвертация қилинган бўлса-да, банк жавобгарнинг 1 080 150 евро бўйича буюртманомаси қайтарилганлиги, шунингдек, айнан жавобгарга тегишли сўмдаги маблағларни конвертация қилиш учун биржага буюртманомалар берганлиги исботлаб берилмаган. Ваҳоланки, Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддаси биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Апелляция инстанцияси суди эса, иш ҳужжатларида мавжуд далиллар ва эксперт хулосасига ҳуқуқий баҳо бермасдан, 1 ва 2-сонли шартномалар бўйича жами 1 080 150 евронинг (904150+176000) сўмдаги қийматини аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 2019 йил 15 апрель ҳолатига валюта курси 9599 сўм эканлигидан келиб чиқиб, 1 080 150 евронинг сўмдаги қиймати 10 368 359 850 сўмни ($1\ 080\ 150 \times 9599 = 10\ 368\ 359\ 850$) ташкил қилиши, бундан келиб чиқиб эса, жавобгарнинг очилган аккредитивларни қоплаш бўйича даъвогар олдидаги қарзи 7 444 437 006 сўмни ташкил қилиши ҳақида асоссиз хулосага келган.

Суд ўз қарорида банк ва жавобгар ўртасида тузилган шартномаларнинг 3.2.4-бандига таянган ҳолда, яъни жавобгар банк эмитентга бенефициар тўлаши лозим бўлган комиссия ва хорижий банкнинг аккредитив бўйича бошқа харажатларини, агарда ушбу маблағ-

лар ижрочи банкнинг талабига кўра, банк-эмитент томонидан тўланган бўлса ҳам, қоплаб бериши лозимлиги билан баҳолаган.

Хусусан, судлов ҳайъати аккредитивларга хизмат кўрсатиш бошланган даврдан бошлаб, 2019 йил 15 апрелга қадар аккредитивлар бўйича ижрочи хорижий банк (RBI AG) томонидан банкдан жами ундириб олинган ва қопланмаган комиссиялар 179845,26 евро ни ташкил қилган.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди RBI AG (хорижий) банк томонидан 78400 евро миқдордаги савдони молиялаштириш (post финансирование) муддати узайтирилмаган ва 2019 йил 25 январда банкнинг вакиллик ҳисобварағидан ечиб олинганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо берган бўлса-да, қайси ҳужжат асосида пул маблағлари ечиб олинганлиги банк томонидан исботлаб берилмаганлигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Бундан ташқари мазкур пул маблағларининг ечиб олиниши даъвогарга етказилган зарар сифатида баҳоланиши лозимлиги апелляция инстанцияси судининг эътиборидан четда қолган.

Фуқаролик кодексининг 335-моддасига мувофиқ, агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек, кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб, тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 337-моддаси учинчи қисмига кўра, агар кредитор қарздор томонидан таклиф қилинган лозим даражадаги ижрони қабул қилишдан бош тортган бўлса ёки ўзи амалга ошириши керак бўлган ва амалга оширилгунича қарздор ўз мажбуриятини бажара олмаган ҳаракатларни қилмаган бўлса, кредитор муддатни кечиктириб юборган ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 339-моддасига асосан, агар кредитор ижронинг кечиктириб юборилиши қонунга мувофиқ ёки кредиторнинг топшириғи билан ижрони қабул қилиш вазифаси юклатилган шахслар қасддан иш тутганлиги ёки эҳтиётсизлиги туфайли келиб чиққанлигини исботласа, у ижронинг кечиктириб юборилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим дара-

жада бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарори 17-бандида агар кредитор қарздор томонидан таклиф қилинган лозим даражадаги ижрони қабул қилишдан бош тортган бўлса ёки ўзи амалга ошириши керак бўлган ва амалга оширилгунича қарздор ўз мажбуриятини бажара олмаган ҳаракатларни бажармаган бўлса (маблағлар ўтказилиши лозим бўлган ҳисоб рақами ҳақидаги маълумотларни хабар қилмаган бўлса ва ҳ.к.), кредиторнинг ўзи муддатни кечиктириб юборган ҳисобланади ва Фуқаролик кодексининг 338-моддаси иккинчи қисмига асосан, қарздор пул мажбурияти бўйича кредитор кечиктирган вақт учун фоиз тўлашга мажбур эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли қарори билан тасдиқланган "Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг (бундан буён матнда Низом деб юритилади) 8-бандига асосан, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари ва Марказий банк банклараро валюта бозори қатнашчилари ҳисобланади.

Ушбу Низомнинг 9-бандига кўра, тижорат банкларининг миждозлари банклараро валюта бозори битишувларида фақат ўзлари миждоз ҳисобланган тижорат банклари орқали қатнашиши мумкин. Ушбу ҳолда тижорат банки бозорда миждознинг топширигига кўра, ўз номидан иш кўради

Ушбу Низомнинг 13-бандига кўра, савдо қатнашчилари банклараро савдо сессияси бошланишидан бир кун олдин хорижий валютани харид қилиш ёки сотишга олдиндан буюртманомалар беришлари шарт. Бунда қатнашчиларнинг буюртманомаларига банк бошқаруви раиси томонидан имзоланган хорижий валютанинг манбалари ва улардан фойдаланиш мақсадлари тўғрисидаги ахборот илова қилинади.

Шартномаларнинг 1.2-бандларида банк томонидан очилган аккредитивлар бўйича мажбурият таъминоти сифатида банк Бош офисининг махсус ҳисоб рақамида Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг савдо сессиясида чет эл валютасини сотиб олиш учун очилган аккредитивнинг суммаси эквивалентидаги сўмдаги маблағлар қабул қилинади.

Шартномаларнинг 3.3.3-бандларига кўра, банк ўз ташаббуси билан истаган вақтида шартнома амал қилиш муддати ичида ми-

ждознинг барча валюта ва сўмдаги ҳисоб рақамларидан акцептсиз ҳисобдан чиқаришга ҳақлилиги белгиланган бўлса-да, банк ўзининг ушбу ҳуқуқини амалга оширмаган.

Эксперт хулосасида қайд этилганидек, шартномаларнинг муддатини узайтириш бир томонлама бўлиб, банк ва жавобгар ўртасида бундай келишувлар тузилмаганлиги, блок счетдаги пул маблағлари даъвогарда сақланаётганлиги, 2015 йил 1 апрелдан 2017 йил 4 сентябрга қадар жами 188 954 743,39 еврога тенг буюртма тақдим этилиб, бундан 136 534 366,8 евро қисми биржа садоларида қаноатлантирилган. Яъни бундай ҳолатда банкда жавобгарнинг буюртмасини қаноатлантириш имконияти мавжуд бўлган.

Шунга кўра, банк аккредитивларнинг муддати узайтирилган вақтида молиялаштирилганлиги учун комиссия тўловини олишга ҳақли эмас.

Шартнома бўйича мажбуриятлари бажармаганлигида жавобгарнинг айби мавжуд эмас. Яъни жавобгар шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажарган. Юқорида қайд этилганидек, 2019 йил 15 апрель ҳолатига кўра, миждознинг даъвогар банк Бош офисидан очилган блок ҳисобварағидаги маблағи 2 923 922 844 сўмни ташкил қилган. Қолаверса, шартномалар амал қилган вақтида банклараро валюта савдосида чет эл валютасини банклараро савдо сессиясида харид қилиш банкнинг ваколатига киритилган.

Судлов ҳайъати даъвогарнинг жавобгардан шартномалар бўйича 179845,26 евро миқдоридаги комиссия тўловини ҳамда 78400 евроми зарар сифатида ундириш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкинлиги сабабли, хизмат кўрсатганлиги учун 816 294 198,38 сўм, савдони молиялаштириш учун 450000 сўм, қўшимча захира қилиниши лозим бўлган 7 444 437 003 сўм, қарздорлик кечиктирилганлиги учун 46524,38 евро ва 2 665 016 813,62 сўм пеняни ундириш талаби эса, асоссизлиги сабабли, биринчи инстанция суди даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида асосли хулосага келган, деб ҳисоблайди.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, палатанинг даъво талаблари асосли ва ўз исботини топган деб ҳисоблаб, ушбу даъво талабларини тўлиқ қаноатлантирилиши ҳақида асоссиз хулосага келган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилган ҳолда, судда аниқланган иш

ҳолатларини тасдиқловчи ишдаги мавжуд ҳужжатларга тўлиқ мос ҳолда қабул қилинган.

Ушбу ҳолатда биринчи инстанция суди қайд этилган ҳолатларни, жумладан, шартномаларнинг муддатини узайтириш бир томонлама бўлиб, банк ва жавобгар ўртасида бундай келишувлар тузилмаганлиги, блок счетдаги пул маблағлар банкда сақланаётганлиги, 2015 йил 1 апрелдан 2017 йил 4 сентябрга қадар жами 188 954 743,39 еврога тенг буюртма тақдим этилиб, бундан 136 534 366,8 евро қисми биржа савдоларида қаноатлантирилганлиги, банкнинг айби туфайли қарздорлик ошиб кетганлигини инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри асослантирилган ҳулосага келган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида қарорнинг одил судловнинг конституциявий асосларини амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинадиган ҳужжат сифатида қонуний ва асослантирил-

ган бўлиши ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 18-боби талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этилиши шартлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ, қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тўшунтириш берилган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати шикоятни қаноатлантириш, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1102-1902/818-сонли иш.

3. Агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

Ер участкалари билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Ердан ижара асосида фойдаланувчида унга эгалик ҳуқуқи шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, вужудга келади.

"К" фермер хўжалигининг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) унга ажратилган ер майдонининг 8 гектар қисмидан "П" фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ўзбошимчалик билан фойдаланиб келганлиги, ушбу ер майдонига ғалла экиб, ғаллани ўз ҳисобига ўзлаштирганлиги, натижада у (даъвогар) 46 652 800 сўм зарар кўрганлигини асос қилиб, ушбу суммани жавобгардан ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 23 326 400 сўм зарар ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, туман ҳокимининг қарориди даъвогар "К" фермер хўжалигига "Н" СИУ ҳудудидаги 240-к контурдан 50 гектар ер майдони ажратилиши белгиланган

бўлса-да, фермер хўжалиги ҳамда туман ҳокимлиги ўртасида ер ижара шартномаси кейинги йилда тузилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган. Яъни даъвогарда жавобгар томонидан эгаллаб олинган деб кўрсатилган ер майдонига бўлган ҳуқуқ шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб, вужудга келган. Чунки Фуқаролик кодексининг 111-моддаси биринчи қисмида ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши кераклиги, ушбу кодекснинг 185-моддаси иккинчи қисмида агар мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқланиши керак бўлса, мол-мулкни олувчида мулк ҳуқуқи шартнома рўйхатдан ўтказилган ёки тасдиқланган пайтдан бошлаб, шартномани ҳам нотариал тасдиқлаш, ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш зарур бўлганида эса, рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб, вужудга келиши белгиланган.

Шунинг учун биринчи инстанция суди даъ-

вогар шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан олдинги йил учун ўзига етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унга етказилган зарар миқдори 23 326 400 сўмни ташкил қилганлигини ҳал қилув қарорида асослантириб бермаган. Даъвогар томонидан икки йил учун ҳисобланган зарар (бой берилган) сумманинг эллик фоизини ундириш билан чекланган, холос.

Даъвогар ўз важини асослаш учун даъво аризасида бир гектар ер майдонидан 1,5-2 тонна арпа, 100-150 та сиқилган сомон (пресс) йиғиб олиш мумкинлигини, 1,75 тонна арпа (1 кг 1500 сўмдан) 2 625 000 сўмни ташкил қилишини, 125 та сиқилган сомон (пресс) қиймати (1 донаси 6000 сўмдан) 750 000 сўмни ташкил қилишини, шундан 1 гектар ер майдонидан 3 375 000 сўмлик, 8 гектар ер майдонидан олинадиган арпа қиймати 27 000 000 сўмни, икки йиллик бой берилган фойда қиймати 54 000 000 сўмни ташкил қилишини билдириб, ушбу суммадан 8 гектар ер майдонидан ҳосил олиш учун қилинадиган харажатлар суммасини (7 347 200 сўм) чегириб, жавобгардан 46 652 800 сўм зарарни ундиришни сўраган.

Бироқ иш ҳужжатларида бир гектар ер майдонидан 100-150 та сиқилган сомон олиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас. Бундан ташқари иш ҳужжатларида туман ҳокими ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи томонидан имзоланган маълумотномада 1 гектар лалми майдонда ўртача ялпи ҳосилдорлик 10-12 центнерни ташкил қилиши кўрсатилган. Бу 1-1,2 тоннани ташкил қилади. Даъвогар эса, зарарни ҳисоблашда бир гектар ер майдонидан олинадиган ҳосилни 1,5-2 тонна деб кўрсатган. Биринчи инстанция суди ушбу ҳолатларга эътибор бермаган. Кассация инстанцияси суди эса, даъвогар чорвачиликка ихтисослашганлиги, ўзига етказилган зарар суммасини ғалла ҳосили қийматидан ҳисоблаши мумкин эмаслиги ҳақида асоссиз хулосага келган. Чунки биринчидан, даъвогар гарчи чорвачиликка ихтисослашган бўлса-да, туман ҳокимлиги билан тузилган ер ижара шартномасига кўра, у ўзига ажратилган ер майдонининг 4 гектар қисмига — арпа, 4 гектар қисмига эса, буғдой экиши лозим бўлган. Иккинчидан, кассация инстанцияси суди ўз хулосасини моддий ҳуқуқ нормаси билан асослантириб бермаган. Шунинг учун биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, даъвони қисман қаноатлантириш лозим бўлади.

Фуқаролик кодексининг 14-моддасига кўра, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини талаб қилиши мумкин.

Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Судлов ҳайъати жавобгар, ҳақиқатан ҳам, даъвогарга ажратилган ер майдонидан фойдаланиб келганлигини, ушбу ҳолат ишдаги ҳужжатлар, шу жумладан, туман прокуратурасининг хати, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси мансабдор шахси томонидан имзоланган ер қонунчилигини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида (ишлаб чиқаришда ер қонунчилиги бузилганлиги бўйича ишларни тўхтатиб қўйиш ҳақида)ги қарори билан тасдиқланишини, қолаверса, жавобгар раҳбари ҳам даъвогарга тегишли ер майдонидан фойдаланганлигини суд мажлисида инкор қилмаганлигини инобатга олиб, даъвогар бир йил учун жавобгардан ўзига етказилган зарарни, яъни 8 гектар ер майдонидан олиши лозим бўлган бой берилган фойдани ундириш ҳуқуқига эга деб ҳисоблайди.

Юқорида қайд этилганидек, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи томонидан имзоланган маълумотномада 1 гектар лалми майдонда ўртача ялпи ҳосилдорлик 10-12 центнерни, 1 гектар ерга қилиниши лозим бўлган харажат эса, 459200 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган. Туман деҳқон бозори томонидан берилган маълумотномада эса, 1 килограмм арпа донининг баҳоси 2000 сўмни ташкил қилиши кўрсатилган.

Судлов ҳайъати судга тақдим этилган ушбу ҳужжатларни муҳокама қилиб, даъвогарнинг саккиз гектар ердан олиши мумкин бўлган даромад қиймати ўртача 17 600 000 (1100 кг x 8 гектар = 8 800 кг x 2000 сўм) сўмни ташкил қилиши мумкинлиги, ушбу суммадан

саккиз гектар ерга қилиниши керак бўлган 3 673 600 (459 200 сўм х 8 гектар) сўм харажат суммасини чегирганда, даъвогар жавобгардан 13 926 400 сўм бой берилган фойдани талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида хулосага келган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш,

биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни, жавобгардан даъвогар фойдасига 13 926 400 сўм бой берилган фойдани ундиришни, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

4-1303-1901/436-сонли иш.

4. Давлат солиқ хизмати органи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Солиқ тўловчи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Туман давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда ДСИ деб юритилади) "Б" масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича 48 175 382,91 сўм солиқ қарзи ундирувини унинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

2020 йил 1 январига қадар амалда бўлган Солиқ кодексининг 59-моддаси иккинчи қисмига биноан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш чоралари жумласига юридик шахслар, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар учун — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органи томонидан уларга юбориладиган солиқ қарзини тўлаш тўғрисидаги талабнома киради.

Солиқ кодексининг 61-моддаси иккинчи қисмига кўра, юридик шахс, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича якка тартибдаги тадбиркор солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ қарзини узмаган тақдирда ва агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кўп бўлган суммадаги солиқ қарзи узилмай қолса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни ушбу кодекснинг 65-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Солиқ кодексининг 65-моддаси иккинчи

қисмига биноан, ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси ёзма шаклда, шу жумладан, электрон шаклда расмийлаштирилади, унда солиқ қарздорлиги ҳосил бўлган солиқ даври кўрсатилади ва солиқ тўловчи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади. Даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;

тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари ва инкасса топшириқномалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Бироқ ДСИ даъво аризасига солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш чораларини кўрганлигини тасдиқловчи далиллар, яъни тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари ёки инкасса топшириқномалари илова қилинмаган.

Бундан кўринадики, ДСИ судга даъво аризаси билан мурожаат қилгунга қадар Солиқ кодексининг 62-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган солиқ қарзини мажбурий ундириш, яъни солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш чорасини кўрмаган.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 38-моддасига кўра, давлат солиқ хизмати органи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Солиқ тўловчи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

2020 йилнинг 1 январидан амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 88-моддаси биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларига биноан, солиқ органи ёки бошқа ваколатли орган солиқ текширувини ўтказишга, текширув натижалари бўйича солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборишга ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган солиқлар миқдорини қайта кўриб чиқишга ҳақли бўлган муддат солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати ҳисобланади.

Агар ушбу кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати, натижаларига кўра, солиқ мажбурияти аниқланадиган солиқ даври тугаганидан кейин беш йилни ташкил этади. Агар солиқ мажбуриятининг юзага келиши муайян воқеа ёки ҳаракат билан боғлиқ бўлса, агар ушбу кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати шу воқеа ёки ҳаракат содир бўлган пайтдан эътиборан беш йилни ташкил этади.

Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, узилади ва қайта тикланади.

Биринчи инстанция суди томонидан низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилиш пайтида амалда бўлган Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори 7-банди учинчи хатбошисида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича даъво муддатини қўллаш фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қўлланиладиган даъво муддатидан фарқланиши, шунинг учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича даъво муддатини қўллашда тарафнинг бу ҳақдаги аризаси талаб этилмаслиги, аммо Солиқ кодексининг 38-моддаси учинчи қисмига кўра, солиқ мажбурияти бўйича даъво муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ, тўхтатиб турилиши, узилиши ва тикланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, ДСининг даъво аризасида ундирув мол-мулкка қаратиш сўралган 48 175 382,91 сўм (шундан, 41 839 598,32 сўм — нефть маҳсулотлари ўртасидаги фарқ, 4 183 959,83 сўм — СОРЖга ундириладиган 10 % пеня) қарздорлик Адлия вазирлигида 2012 йил 25 июлда 2381-сон билан рўйхатга олинган "Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари томонидан маҳаллий бюджетга нефть маҳсулотларининг чакана нархи билан белгиланган чекланган устамадан ортиқ бўлган харид нархи ўртасидаги тафовутни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида 2012 йилнинг 1 августига қадар вужудга келган бўлиб, бу ҳақда 2012 йил 1 август куни ДСИ ва жавобгар ўртасида солиштирма-далолатнома имзоланган.

Бироқ ушбу маблағлар белгиланган муддатда ихтиёрий тўлаб берилмаган, ДСИ эса, 2013 йилнинг январь ойидан бошлаб, 2019 йилнинг сентябрь ойига қадар мажбурий ундирув чораларини кўрмаган ва фақат 2019 йил 16 сентябрда, яъни 6 йилдан ортиқ вақт (5 йиллик даъво муддати) ўтгач, жавобгарга солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборган.

Шунинг учун, яъни ДСИ томонидан мажбурий ундириш чоралари кўрилмаганлиги ҳамда даъво муддати ўтганлиги сабабли, биринчи инстанция суди ДСининг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиши лозим эди.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция суди томонидан моддий ҳуқуқ нормаси нотўғри қўлланилган ва бу эса, ноқонуний қарор қабул қилишга сабаб бўлган. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатони тузатмасдан, асоссиз ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва ДСининг даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1502-1903/1941-сонли иш.

5. Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарори у қонун ҳужжатларига зид бўлган ва (ёки) умумий йиғилиш қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолда ўтказилган ҳоллардагина, ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

2003 йилда "Сариосиё деҳқон (озиқ-овқат) бозори" масъулияти чекланган жами-

яти ташкил қилинган ва унинг таъсис ҳужжатлари вилоят ҳокимлиги Адлия бошқар-

масининг 2003 йил 27 ноябрдаги 4990-сонли қарори билан рўйхатга олинган. МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига кўра, жамият устав фонди 9 891 000 сўмни ташкил қилган ва қуйидагича тақсимланган:

- Сариосиё туман ҳокимлиги — 5 044 000 сўм (ёки 51 %);

- "Матлуботсавдо" ХАК — 3 462 000 сўм (ёки 35 %);

- фуқаро А.Воҳидов — 1 385 000 сўм (ёки 14 %).

2009 йилда МЧЖнинг таъсисчилари (иштирокчилари) таркиби ўзгарганлиги сабабли жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган ва МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 7 май куни 499-Г-сон реестр рақам билан қайта рўйхатга олинган. МЧЖнинг ушбу таъсис ҳужжатларига кўра, жамият устав фонди 9 891 000 сўмни ташкил қилган ва қуйидагича тақсимланган:

- Сариосиё туман ҳокимлиги — 5 044 000 сўм (ёки 51 %);

- фуқаро М.Маҳкамова — 1 385 000 сўм (ёки 14 %);

- фуқаро С.Жабборов — 1 978 300 сўм (ёки 20 %);

- фуқаро М.Саидова — 1 483 700 сўм (ёки 15 %).

2019 йил 14 июнь куни жамиятнинг 2018 йилдаги фаолияти якуни бўйича таъсисчиларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтган ва йиғилиш кун тартибига 10 та масала, яъни кузатув кенгашининг ҳисоботи (1-масала), бошқарув раисининг ҳисоботи (2-масала), тафтиш комиссиясининг ҳисоботи (3-масала), аудит хулосасини тасдиқлаш (4-масала), жамият бошқарув раиси К.Исоевнинг ваколат муддатини 1 (бир) йилга узайтириш (5-масала), кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш (6-масала), тафтиш комиссиясини қайта сайлаш (7-масала), соф фойда ва дивиденд тақсимотини тасдиқлаш (8-масала), жамиятнинг 2019 йилги бизнес режасини тасдиқлаш (9-масала) ва бошқа ҳар хил масалалар (супермаркет қурилиш сабабли бузилган иншоотларни тиклаш ҳақида)ги (10-масала) масалалар киритилган.

Таъсисчилар умумий йиғилишининг 2-сонли баёнига кўра, кун тартибидаги ўнинчи масаладан ташқари барча масалалар бўйича қуйидаги қарор қабул қилинган:

- кузатув кенгашининг 2018 йил фаолияти қониқарли деб топилиб, кузатув кенгаши раислигига Э.Ҳасанов сайланган (1-

банд);

- жамият бошқарув раисининг 2018 йил молиявий ҳўжалик фаолияти натижалари қониқарли деб топилган (2-банд);

- 2018 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, (даромад) улуш ҳажми ва тўлов муддати тасдиқланган (3-банд);

- тафтиш комиссиясининг ҳисоботи қониқарли деб топилиб, таклиф қилинган номзодлар сайланган (4-банд);

- жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича молиявий фаолияти тўғрисидаги аудитор хулосаси тасдиқланган ва 2019 йил фаолиятини таҳлил қилиш бўйича "Термиз Аудит" МЧЖ аудиторлик компанияси билан шартнома тузиш белгиланган (5-банд);

- жамиятнинг ижроия органига бошқарув раиси лавозимига Комилжон Исоев сайланган (6-банд);

- жамият фаолиятининг 2019 йилга мўлжалланган бизнес режаси тасдиқланган (7-банд);

- бош савдо мажмуасида МЧЖга етказилган зиённи ҳамда бино ва иншоотларини қайта тиклатиш ёки етказилган зиённи жавобгар ҳисобидан қоплатиш жамият маслаҳатчиси ва ҳуқуқшунос зиммасига юклатилган (8-банд).

МЧЖ таъсисчиси (иштирокчиси) С.Жабборов (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) МЧЖга нисбатан туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ таъсисчиларининг 2019 йил 14 июндаги 2-сонли навбатдаги умумий йиғилиш баёнини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган. Бунга асос қилиб, даъво аризасида кун тартибидаги 5-масала, яъни жамият бошқарув раиси ваколат муддатини 1 йилга узайтириш масаласи бўйича таъсисчилар бир овоздан қаршилик билдириб, янги раҳбар тайинлаш масаласи муҳокама қилинган бўлса-да, йиғилиш баённомасида йиғилишда айтиб ўтилган фикрларга мутлақо тескари ҳолат баён этилганлиги, йиғилишда таъсисчилар билан бирга фақат туман ҳокимлиги вакили Э.Ҳасанов иштирок этган бўлса-да, баённомада кузатув кенгаши аъзолари Б.Жумаев, А.Р-ўзиев, ҳокимият вакили М.Шомуродов ва Ж.Маъмуровлар МЧЖ таъсисчиларнинг умумий йиғилишида иштирок этган деб кўрсатилганлиги, кун тартибидаги 10 та масала бўйича таъсисчилар ўз фикрларини билдирган бўлса-да, йиғилиш баёнида барча кўрилган масалаларга таъсисчилар томонидан бирон-бир қаршиликлар бўлма-

ган деб қайд этилганлигини кўрсатган.

Суднинг ажрими билан туман ҳокимлиги низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жамият иштирокчиларининг 2019 йил 14 июндаги 2-сонли навбатдаги умумий йиғилиш баёнининг бошқарув раиси лавозимига К.Исоевни сайлаш ҳақидаги 6-банди ҳақиқий эмас, деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида" ги қонуннинг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 33-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин бу ҳақда жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини жамият иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан ёки жамиятнинг уставида назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилиши шарт.

Хабарномада жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек, таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилиши керак.

Масъулияти чекланган жамияти Низомининг 6.18 ва 6.19-бандларида ҳам шундай тартиб белгиланган.

Қонуннинг 33-моддаси олтинчи ва еттинчи қисмларига биноан, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш чоғида жамият иштирокчиларига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот ва материаллар жумласига қуйидагилар киради:

жамиятнинг йиллик ҳисоботи;

жамиятнинг йиллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия балансларини текшириш натижалари бўйича жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаси;

молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги аудиторлик хулосаси;

жамиятнинг ижро этувчи органларига, жамиятнинг кузатув кенгашига ва жамиятнинг тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзод (номзодлар) тўғрисидаги маълумотлар;

жамиятнинг уставида назарда тутилган бошқа ахборот (материаллар).

Агар жамият уставида жамиятнинг иштирокчиларини ахборот ва материаллар билан таништиришнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уларга ахборот ва материалларни жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юбориши шарт, кун тартиби ўзгартирилган тақдирда, тегишли ахборот ва материаллар ана шундай ўзгартиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юборилади.

Масъулияти чекланган жамияти Низомининг 6.23-бандига кўра, ушбу Низомнинг 6.22-бандида кўрсатилган ахборот ва материаллар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин 10 кун мобайнида жамият биносида танишиш учун жамиятнинг барча иштирокчиларига тақдим этилиши белгиланган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари томонидан улар ҳақидаги ахборотни ошкор қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда амалга оширилган (қабул қилинган) битимларни (қарорларни) ҳақиқий эмас, деб топишнинг айрим масалалари тўғрисида" 2015 йил 27 ноябрдаги 290-сонли қарори 7-бандида ахборотни ошкор қилишнинг белгиланган тартибининг бузилганлиги сабаби билан умумий йиғилишнинг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш учун умумий йиғилиш ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида акциядорларга, жамият иштирокчиларига хабар бериш тартибини бузиш асос бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу Пленум қарорининг 7.2-банди биринчи хатбошиси "б" кичик бандига кўра, умумий йиғилиш ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар иштирокчиларига хабар бериш тартибини бузиш деганда:

жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказишдан камида ўттиз кун олдин жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан ёки жамиятнинг уставида назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинмаганлиги;

хабарномада жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва

жой, шунингдек, таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилмаганлиги;

жамият иштирокчиларининг таклифига биноан, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг дастлабки кун тартибига ўзгаришлар киритилган бўлса, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар умумий йиғилиш ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин кун тартибига киритилган ўзгаришлар ҳақида жамиятнинг барча иштирокчилари хабардор қилинмаганлиги тушунилиши лозим.

Жавобгар томонидан 2019 йил 14 июнь куни бўлиб ўтиши лозим бўлган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақиришда баён этилган қоидаларга риоя қилинмаган. Жумладан, иш ҳужжатларидан кўринишича, жамият (жавобгар) даъвогарга 2019 йил 11 майда юборилган 113-сонли хати билан жамият иштирокчилари (таъсисчилари)нинг 2018 йил якуни бўйича умумий йиғилиши 2019 йил 14 июнь соат 10-00да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтиши ҳақида хабар қилинган. Бироқ ушбу хатни даъвогарга умумий йиғилиш ўтказишдан камида ўттиз кун олдин топширилганлиги ёки буюртма хат билан юборилганлиги ҳақида далил ишда мавжуд эмас.

Бундан ташқари жавобгарнинг хатида умумий йиғилишга таклиф қилинаётган кун

тартиби кўрсатилмаган ва қонуннинг 33-моддаси олтинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмаган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида қарори" 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 20.1-бандида жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарори у қонун ҳужжатларига зид бўлган ва (ёки) умумий йиғилиш қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолда ўтказилган ҳоллардагина, ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ судлар низо юзасидан қарор қабул қилишда қонун ва масъулияти чекланган жамияти низоми талабларига ҳамда Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги 262-сонли ва 2015 йил 27 ноябрдаги 290-сонли қарорлари кўрсатмаларига риоя қилмаган, иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқламаган, бу эса, иш юзасидан ноқонуний қарор қабул қилинишига олиб келган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати даъвогарнинг назорат шикоятини қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

4-1903-1902/513-сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг иккинчи чораги давомида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2020 йилнинг биринчи ярмида келиб тушган 1 806 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 248 таси қайтарилган, 89 тасини қабул қилиш рад этилган, 523 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 266 таси бўйича тушунтиришлар берилган, 67 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 265 таси бўйича Олий суд раисининг ўринбосари томонидан рад жавоби берилган.

Шунингдек, 336 та иш бўйича назорат тартибидаги шикоят ва протестлар судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Мазкур ишларнинг 237 тасини оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар, 99 тасини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ташкил этган.

Ушбу даврда судлов ҳайъати томонидан кўрилган ишлар бўйича қабул қилинган 69 та суд қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судига ишлар янгидан кўриш учун юборилган бўлса, 24 таси бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, 20 та иш янгидан кассация инстанцияси судига, 4 та иш апелляция инстанцияси судига кўриш учун юборилган, 56 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 19 таси бўйича апелляция (кассация) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўз

кучида қолдирилган. 28 та иш бўйича эса, суд қарорлари ўзгартирилган, 15 та иш бўйича иш юритиш тугатилган, 1 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилган, 110 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган 336 та ишнинг 63 тасини Тошкент шаҳар, 36 тасини Тошкент вилояти, 35 тасини Хоразм вилояти, 31 тасини Фарғона вилояти, 28 тасини Самарқанд вилояти, 21 тасини Сурхондарё вилояти, 23 тасини Қашқадарё вилояти, 19 тасини Навоий вилояти, 16 тадан Андижон ва Жиззах вилоятлари, 15 тадан Наманган ва Бухоро вилоятлари, 12 тасини Сирдарё вилояти, 6 тасини Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судларининг суд ҳужжатлари устидан берилган назорат шикоят ва протестларига асосан кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган Қашқадарё вилояти маъмурий судларининг 86,9 фоиз, Тошкент вилояти маъмурий судларининг 83,3 фоиз, Тошкент шаҳар маъмурий судларининг 79,3 фоиз, Андижон вилояти маъмурий судларининг 75 фоиз, Фарғона вилояти маъмурий судларининг 74,2 фоиз суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Мазкур даврда судлов ҳайъати томонидан: "Маъмурий судлар томонидан 2018-2019 йилларда мулк ҳуқуқи билан боғлиқ кўрилган маъмурий ишлар (оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар) бўйича суд амалиёти";

"Маъмурий судлар томонидан 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг XXIV бобида (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш) назарда тутилган моддаларда белгиланган нормаларни амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ суд амалиёти";

"Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилда назорат тартибида келиб тушган шикоятларни ўрганиш ва судлов ҳайъатига ўтказиш учун асослар мавжуд

эмаслиги тўғрисида чиқарилган ажримлар самарадорлиги масаласи”;

“Маъмурий суднинг қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти” умумлаштирилиб, уларнинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарорлари қабул қилинган.

Шунингдек, жорий йилнинг январь-март ойларида судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланиб, Олий суд Раёсатида му-

ҳокама қилинган ва қарор қабул қилинган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилди), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (бундан буён матнда МЖТК деб юритилди) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Агар суд маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар миқдори билан боғлиқ масалани тўғри ҳал этиш учун асослар етарли эмас деб ҳисобласа, манфаатдор шахсларга ушбу масалани фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этишни тушунтиради.

Фуқаро Р.Б. 2019 йил 13 сентябрь куни соат 12⁰⁰ ларда ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 10 С 222 АВ бўлган “Нексия” русумли автомашинада Гулзор кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб кетаётганида “Р” МЧЖга тегишли “Дамас” русумли автотранспорт воситасини орқа қисмига келиб урилиб, тўқнашув содир қилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Р.Б. МЖТКнинг 133-моддаси билан айбли деб топилиб, унга нисбатан икки йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва ҳуқуқбузар Р.Б.дан “Р” МЧЖга 9 550 000 сўм зарар ундириш белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини ўзгартириб, суд қарорларининг ҳуқуқбузар Р.Б.га нисбатан тайинланган икки йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини бир йилга келтирган. Шунингдек, судлов ҳайъати суд қарорларининг ҳуқуқбузар Р.Б.дан “Р” МЧЖга 9 550 000 сўм зарар ундириш қисмини бекор қилишни ва манфаатдор шахсларга зарарни ундириш масаласини фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай ҳулосага келишда қуйи судлар томонидан ундирилиши белгиланган зарар суммасидан ҳуқуқбузар норози эканлигига, етказилган зарар қийматини аниқлаш учун уч марта экспертиза ўтказилиб, экспертиза ҳулосаларида зарар қиймати турлича кўрсатилганлигига асосланган.

Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли қарори 27-банди учинчи хатбошисига кўра, агар суд маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар миқдори тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш учун асослар етарли эмаслиги ҳақида ҳулосага келса, манфаатдор шахсларга ушбу масалаларни фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш тушунтирилади.

Шу сабабли, судлов ҳайъати маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар миқдори тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш учун асослар етарли бўлмаган бўлса-да, қуйи судлар зарар ундириш тўғрисида қарор қабул қилиб, хатоликка йўл қўйган деб ҳисоблаб, суд қарорларининг ушбу қисмини бекор қилган ва манфаатдор шахсларга зарарни ундириш масаласини фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтирган.

3-1118-1901/597-сонли иш.

2. Кассация инстанцияси суди ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик ҳолатларни тўлиқ аниқлаши лозим. Акс ҳолда, кассация инстанцияси судининг қарори бекор қилинади.

Фуқаро Р.Д. 2019 йил 12 октябрь куни ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 70 Q 333

GB бўлган “Матиз” русумли автомашинани турман йўналишидан шахар йўналишига ҳаракат-

ланиш вақтинча тақиқланган йўлдан ҳаракатланиб, ушбу йўлнинг бурилиш жойида фуқаро Ж.Ш. бошқариб келаётган "Нексия" русумли автомашина билан тўқнашув содир этган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Р.Д. МЖТКнинг 133-моддаси билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида 1 115 000 сўм миқдорда жарима солинган. Ж.Ш.га нисбатан маъмурий иш МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатилган.

Р.Д.нинг кассация шикоятига асосан, кассация инстанцияси суди маъмурий ишни кўриб чиқиб, биринчи инстанция суди қарорининг Р.Д.га оид қисмини ўзгаришсиз қолдирган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай ҳулосага келишда мутахассис сифатида сўралган суриштирув органи ходимининг кўрсатмасига ва кассация шикоятига келтирган вазлларга асосланган.

Мутахассиснинг фикрига кўра, ҳуқуқбузар Р.Д. хавфни кўрган вақтида йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш имконига эга бўлмаганлиги, чунки у ҳаракатланиб келган йўналишда таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли, вақтинча йўл ёпилган-

лиги ва шу сабабли тегишли йўл белгилари ўрнатилган бўлиб, йўлдан ҳаракатланиш мумкин бўлмаганлиги ҳақида баён қилган.

Ҳуқуқбузар Р.Д.нинг кассация шикоятида эса, Ж.Ш. ўзининг бошқарувидаги "Нексия" автомашинасини тақиқланган йўлдан бошқариб, унинг йўлига чиққанлиги натижасида тўқнашув содир этилганлиги ҳақида вазллар келтирилган.

Бироқ кассация инстанцияси суди мутахассиснинг берган кўрсатмаси ва Р.Д.нинг кассация шикоятида келтирган вазлларига ҳуқуқий баҳо бермасдан, биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Ваҳоланки, МЖТКнинг 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкый зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек, ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шартлиги кўрсатилган.

3-2001-1901/4750-сонли иш.

3. Иқтисодий ва маъмурий суднинг қарорлари билан тадбиркорлик субъектига нисбатан солиқ текшируви қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда ўтказилганлиги аниқланганда, тадбиркорлик субъектининг масъул ходимини МЖТКнинг 164-моддаси билан айбдор деб топиб, уни жавобгарликка тортиб бўлмади.

Туман ДСИ бошлигининг 2019 йил 6 августдаги 333-сонли буйруғига асосан, "Д" МЧЖга қарашли автомобилларга метан газини қуйиш шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда "Д" МЧЖда уста вазифасида ишловчи, шу кунини оператор вазифасини бажараётган фуқаро Д.Ж. харидор З.Х.га 26 000 сўмга харид қилинган метан газини учун харид чекини бермаганлиги, шунингдек, 320 000 сўм савдо пуллари назорат-касса машинасининг хотирасига кирим қилинмаганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Д.Ж. МЖТКнинг 164-моддаси билан биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида 202 730 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, ҳуқуқбузар Д.Ж.га нисбатан юритилган маъму-

рий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни унинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқлиги сабабли, МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан, тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай ҳулосага келишда куйидагиларга асосланган: биринчи ва кассация инстанцияси судлари Д.Ж.ни МЖТКнинг 164-моддаси билан биринчи қисми билан айбдор деб топишда ҳуқуқбузарга қўйилаётган айб ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топмаганлигига, текширишни ўтказган ДСИ ходимлари А.Р., Э.Х., Р.О. ва К.Е. текшириш пайтида бир қатор қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун уларга нисбатан туман маъмурий суди томонидан маъмурий чоралар кўлланилганлигига, шунингдек, ушбу текшириш натижалари бўйича туманлараро иқтисодий судига "Д" МЧЖдан молиявий жарима ундириш тўғрисида киритилган ариза текшириш ноқонуний ўтказилганлиги асоси билан рад этилганлигига эътибор бермаган.

3-1101-1901/2379-сонли иш.

4. МЖТКнинг 36-моддасига кўра, жиноят ишини кўзгатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши кўзгатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Фуқаро К.Л. 2019 йил 11 апрель куни соат 10²⁰ ларда ўзининг бошқарувида бўлган давлат рақами 75 R 111 AA бўлган "Ласетти" русумли автомашинада Мустақиллик кўчаси бўйлаб, Педагогика коллежи томонидан ҳаракатланиб келиб, Мустақиллик ва Алишер Навоий кўчалари кесишган чорраҳада Йўл ҳаракати қоидаларининг 98-бандини қўпол равишда бузиб, чорраҳада светофор ишламасдан таъмирланаётган вақтда "Йўл беринг" йўл белгисига амал қилмасдан, чорраҳага асосий йўлдан ҳаракатланиб келган фуқаро О.Л. бошқарувидаги давлат рақами 75 K 222 AB бўлган "Спарк" русумли автомашинанинг ўнг томонига бориб урилган. Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида "Спарк" русумли автомашинага 3 450 000 сўм моддий зарар етган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар К.Л. МЖТКнинг 133-моддаси билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан икки йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жабрланувчи О.Л. фойдасига 3 450 000 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларининг ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликка тортиш қисмини бекор қилиб, унга нисбатан МЖТКнинг 133-моддаси билан юритилган маъмурий ишни МЖТКнинг 271-моддаси 7-бандига асосан, иш юритишдан тугатишни ва ман-

фаатдор шахсларга зарарни ундириш масаласини фуқаролик суд ишларини юритиш тартибда ҳал этиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда биринчи ва кассация инстанцияси судлари ишни кўришда МЖТКнинг 36-моддасида белгиланган муддатларга риоя қилинмаганлигига асосланган.

Ваҳоланки, МЖТКнинг 36-моддасида маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб, бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкинлиги, жиноят ишини кўзгатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши кўзгатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур ҳолатда эса, ҳуқуқбузарлик бўйича суриштирув органининг жиноят иши кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори 2019 йил 5 май куни чиқарилган бўлса-да, маъмурий иш туман судига кўриш учун 2019 йил 24 июнь куни юборилган.

Биринчи инстанция суди ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий ишни 2019 йил 28 июнь куни, яъни жиноят иши кўзгатишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин 1 ой 23 кун ўтгач, кўриб хатоликка йўл қўйган.

3-2102-1901/968-сонли иш.

II. МАЪМУРИЙ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Суднинг ҳал қилув қарори устидан кассация шикоят бериш муддати ўтказиб юборилган бўлиб, шикоят қилувчи, муддат ўтказиб юборилганлигининг узрли сабабларини кўрсатган ҳолда, кассация шикоят бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимсонома билан мурожаат қилганда, суд илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ажримда албатта илтимосномада келтирилган шикоят бериш муддати ўтказиб юборилганлигининг сабабларини узрли деб топиб бўлмаслигини асослаши керак. Акс ҳолда, мазкур ажрим юқори инстанция суди томонидан бекор қилиниши мумкин.

Шаҳар прокуратураси Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси манфаатида судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар — Ўзбекистон Респуб-

ликаси Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармасининг 1996 йил 14 январдаги 111-сонли ва 1998 йил 26 мартдаги 222-сонли буйруғини, шунингдек, Давлат мулки қўмитаси

вилоят бошқармасининг 1996 йил 23 январдаги 333-сонли мулкӣ ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерини ҳақиқӣ эмас, деб топишни сўраган.

Шаҳар маъмурий судининг 2019 йил 15 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар тўлиқ қаноатлантирилган.

Ҳал қилув қароридан норози бўлиб, иш бўйича учинчи шахс ҳисобланган "Х" МЧЖ 2020 йил 16 январда кассация шикоятини билан мурожаат қилиб, унга кассация шикоятини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома илова қилинган.

Вилоят маъмурий суди судьясининг 2020 йил 20 январдаги ажримини билан илтимосномани қаноатлантириш рад этилган ва кассация шикоятини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга қайтарилган.

"Х" МЧЖ мазкур ажримдан норози бўлиб, назорат шикоятини билан мурожаат қилган ва кассация инстанцияси суди судьясининг ажримини бекор қилиб, ишни кассация инстанциясига мазмунан кўриш учун юборишни сўраган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси суди судьясининг 2020 йил 20 январдаги ажримини бекор қилиб, 2019 йил 15 ноябрдаги ҳал қилув қарори устидан берилган кассация шикоятини мазмунан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборган.

Судлов ҳайъати қуйидагиларга кўра, бундай ҳулосага келган. Аниқланишича, иш бўйича учинчи шахс ҳисобланган "Х" МЧЖнинг вакили биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори эълон қилинган суд мажлисида қатнашганлиги ва ҳал қилув қароридан кўчирма нусха олганлиги ҳақида маълумот ишда мавжуд эмас.

"Х" МЧЖ ҳал қилув қарори устидан кассация шикоятини бериш муддатини биров ўтказиб юборганлиги сабабли, унга кассация шикоятини бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома илова қилган. Мазкур илтимосномада муддатни ўтказиб юборилишига ҳал қилув қарорини ўз вақтида ол-

маганлиги, шунингдек, "Х" МЧЖнинг молиявий аҳволи оғирлиги сабабли, давлат божини ўз вақтида тўлаш ва ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий маслаҳат олиш имконияти бўлмаганлиги баён қилинган.

Бироқ вилоят судининг судьяси муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиб, унда кўрсатилган асослар кассация шикоятини бериш муддатини тиклашга етарли эмас, деган ҳулосага келган. Аммо судья илтимосномада келтирилган кассация шикоятини бериш муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабларини нима учун узрли деб топиб бўлмаслигини ўз ажримда асосламаган.

МСИЮТКнинг 227-моддасига кўра, кассация шикоятини (протести) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин.

Кассация шикоятини (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати "Х" МЧЖнинг кассация шикоятини ва унга илова қилинган кассация шикоятини бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилганлиги, ишни кассация инстанциясида кўрилмаслиги уни кейинги ҳаракатланишига тўсиқ бўлиши, кассация шикоятини бериш муддати эса, ариза-чига боғлиқ бўлмаган узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилганлиги сабабли, кассация инстанцияси судининг 2020 йил 20 январдаги ажримини бекор қилиб, кассация шикоятини мазмунан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборишни лозим топган.

3-1801-1901/3888-сонли иш.

2. Божхона органининг қўшимча ҳисобланган бож тўловларини тўлаш тўғрисидаги талабномаси ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи ҳужжат ҳисобланмаганлиги учун бундай талаб билан судга мурожаат қилинганда, иш бўйича иш юритиш МСИЮТКнинг 108-моддасига асосан тугатилади.

"А" МЧЖ 2016 йил 12 октябрда Молдова давлати резиденти "Л" компанияси билан 111-сонли импорт шартномасига асосан, қиймати 250 500 АҚШ доллари бўлган дори воситалари, 2017 йил 23 мартда Молдова

давлати резиденти "Р" компанияси билан 222-сонли импорт шартномасига асосан, қиймати 300 200 АҚШ доллари бўлган дори воситалари, 2017 йил 22 октябрда Молдова давлати резиденти "Р" компанияси би-

лан 223-сонли импорт шартномасига асосан, қиймати 150 300 АҚШ доллари бўлган дори воситалари ва Россия давлати резиденти "С" МЧЖ билан 2017 йил 11 майда тузилган 333-сонли импорт шартномасига асосан, 350 500 АҚШ доллари бўлган дори воситаларини импорт қилиб, божхона юк декларациялари расмийлаштирилган ва товарлар эркин муомалага чиқарилган. Бунда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида 2011 йил 18 октябрда тузилган "Эркин савдо зонаси тўғрисида"ги шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан, эркин муомалага чиқарилган товарлар учун божхона тўловларига ҚҚС бўйича имтиёз қўлланилган.

Шаҳар божхона бошқармаси томонидан ўтказилган мониторинг натижасида юқорида қайд этилган импорт шартномаларига ўзгартишлар киритилган бўлиб, шартномалар бўйича ҳамкорлар "Б" компаниясига ўзгартирилганлиги аниқланган ва имтиёзлар нотўғри қўлланилган деган хулосага келиниб, аризачи "А" МЧЖга барча юқорида қайд этилган импорт шартномалари бўйича қўшимча ҳисобланган бож тўловларини тўлаш тўғрисида талабномалар юборилган.

Шу сабабли, "А" МЧЖ судга ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси шаҳар бошқармасининг қўшимча ҳисобланган бож тўловларини тўлаш тўғрисидаги талабномаларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

3. Давлат хизматлари марказининг корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлари хат кўринишидаги муайян маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат бўлганлиги учун ушбу ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилинганда, суд бу талаб бўйича иш юритишни тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил чет эл фуқароси бўлган "М" қўшма корхона таъсисчиси Р.О.нинг манфаатини кўзлаб, маъмурий судга мурожаат қилиб, туман Давлат хизматлари маркази ходимларининг ҳаракатларини қонун-

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда биринчи ва кассация инстанцияси судлари талабнома аризачига божхона тўловларини тўлаш бўйича огоҳлантириш сифатида берилганлигини инобатга олмасдан, талабномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги аризани мазмунан кўриб, хатоликка йўл қўйган. Чунки мазкур талабномалар хўжалик юритувчи субъектга божхона тўловини ихтиёрий равишда амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги огоҳлантирувчи хат бўлиб, уни бажармаслик аризачи учун ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

МСИЮТКнинг 27-моддаси биринчи қисми 2-бандига кўра, маъмурий суд давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Шу сабабли, судлов ҳайъати аризадаги ҳақиқий эмас, деб топилиши сўралган божхона органининг талабномалари ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи ҳужжат ҳисобланмаслиги ва улар аризачининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслигидан келиб чиқиб, суд қарорларини бекор қилиб, МСИЮТКнинг 108-моддаси 1-бандига асосан, иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

3-1006-1901/2524-сонли иш.

га хилоф деб топишни, туман Давлат хизматлари марказининг 2017 йил 22 майдаги 111-сонли ва 2018 йил 12 январдаги 222-сонли тугатиш тўғрисидаги ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топишни, туман Давлат хизматлари марказига "М" қўшма корхонасини давлат реестрига тиклаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, туман Давлат хизматлари марказининг 2017 йил 22 майдаги 111-сонли ва 2018 йил 12 январдаги 222-сонли тугатиш тўғрисидаги ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талабларни қаноатлантириш рад этилган, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси суди қарорининг туман Давлат хизматлари марказининг 2017 йил 22 майдаги 111-сонли ва 2018 йил 12 январдаги 222-сонли тугатиш тўғрисидаги ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талабларни қаноатлантиришни рад этиш қисмини бекор қилиб, ушбу талаблар бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда туман Давлат хизматлари марказининг 2017 йил 22 майдаги 111-сонли ва 2018 йил 12 январдаги 222-сонли тугатиш тўғрисидаги

ҳужжатлари хат кўринишидаги муайян маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат бўлиб, суд хатларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқмаслигига асосланган.

Ваҳоланки, МСИЮтКнинг 27-моддаси 2-бандига мувофиқ, маъмурий судга маъмурий органларнинг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар таллуқлидир.

Олий суд Пленумининг "Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида" 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 5-бандига кўра, маъмурий органнинг қарори деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан яқка ёки коллегия тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат тушунилади.

7-607-20-сонли иш.

4. Кассация шикояти бир пайтнинг ўзида аризачи ва бошқа шахс томонидан имзоланган бўлса, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилганлиги асоси билан кассация инстанцияси суди уни иш юритишга қабул қилишни рад эта олмайди.

Аризачи А.Р. судга ариза билан мурожаат этиб, туман ҳокимлиги зиммасига туман ҳокимлиги ҳузуридаги ташкил этилган комиссиянинг 2019 йил 28 мартдаги 111-сонли баённомасининг 4-бандини ҳақиқий эмас, деб топиб, унга тегишли бўлган уй-жой жойлашган ер майдони давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги муносабати билан, унинг оила аъзоларига яшаш учун бошқа уй-жой ажратиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Аризачи биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, кассация шикояти билан мурожаат қилган.

Кассация инстанцияси суди кассация шикояти шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган деган ваз билан кассация шикоятини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарган. Кассация инстанцияси суди бунда шикоят уни имзолаш ваколатига эга бўлмаган "М" адвокатлик ҳайъатининг адвокати К.К. томонидан имзоланганлигига асосланган.

Судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, кассация шикоятини кўриб чиқиш учун кассация инстанция судига юборишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда кассация инстанцияси суди кассация шикояти нафақат "М" адвокатлик ҳайъатининг адвокати К.К. томонидан, балки аризачи А.Р.нинг ўзи томонидан ҳам имзоланганлигига эътибор бермаганлигига асосланган. Ваҳоланки, А.Р. иш бўйича аризачи ҳисобланиб, кассация шикоятини имзолашга ваколатли бўлганлиги учун кассация инстанцияси суди шикоятни қабул қилишни рад этмасдан, балки уни иш юритишга қабул қилиб, ишни мазмунан кўриб чиқиши лозим эди, деб ҳисоблаган.

МСИЮтКнинг 233-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, кассация инстанцияси суди кассация шикояти (протести) ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этади.

3-1003-1903/4990-сонли иш.